


Манговуз
сехри



Guliston

2002/4



ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

* * *

Биз амалга ошираётган ўзгаришлар, янги-ланиш ва ислохотларнинг асосий мазмуни — шу азиз диёрда яшайётган инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровон ва тўқис яшаши ва меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратиш беришдан иборат. Ҳаётимизнинг ҳар бир кунини, ҳар бир ойини, ҳар бир йили кишиларга қониқиш ва мамнуният бағишлаши даркор.

* * *

Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиги, шу билан бирга, кишини доимо оғоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин.

* * *

Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улугворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

* * *

Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахнинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди.

* * *

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда.

* * *

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-гайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шухратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак.

* * *

Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажиги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсдан устун бўлиши керак.

* * *

Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсакки, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоатибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

* * *

Ким бўлишдан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

* * *

Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

* * *

Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ гоё керак. Бу гоёнинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.





Буюк аждодларимиз маърифат уругини сочиб кетган она заминимизда кўплаб баркамол фарзандлар вояга етмоқда. Фахр-ифтихоримиз бўлмиш бу ёш истеъдодлар эришаётган муваффақиятлар, жаҳоний ютуқлар юртимизнинг порлоқ келажакдан шохидлик бермоқда.

Истеъдодли созанда Мадат Худойберганов ҳам халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этаётир. Ёш бўлишига қарамай бу истеъдод эгасига талай халқаро танловларда голиблик сурури насиб этди. У дастлабки таҳсилни болалар мусиқа мактабида олиб, кейинчалик М.Харратов номидаги мусиқа билим юртида таълим олди. Уша йиллари у республика ёш мусиқа ижрочиларининг қатор танловларида фахрли ўринларни эгаллади. 1995 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқаро мусиқа ижрочилари танловида 2-ўринга сазовор бўлди. Орадан икки йил вақт ўтиб у Германиянинг Веймар шаҳрида ўтказилган халқаро “Мастер-Класс”ларда касб малакасини ошириб қайтди.

Талабалик йиллари Мадат Худойберганов ҳаётида нурли саҳифалар очди. У 1995-2000 йилларда Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)нинг бакалавриатура босқичини муваффақиятли тамомлаб, магистратурага қабул қилинганида ҳеч ким ажабланмади. Чунки бу истеъдодли йигит бунгача илмгоҳ ўқитувчи-профессорлари, талабалар ҳурматига сазовор бўлиб улгурганди. 2001 йилда Мадат Худойберганов Ўзбекистон ва Қозоғистон ёш созандаларидан иборат қўшма чолгу квинтет аъзоси бўлди. Ушбу жамоа билан у “Санкт-Петербург саройлари” халқаро фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

Ҳозирда Ўзбекистон миллий симфоник оркестрида хизмат қилаётган истеъдодли созанда ўзбек санъати довругини ёйишига интилаётир.

Парвозинг янада юксак бўлсин, Мадат!

Тобо Туркистонда азалдан «халқами»да (Навоий) ёниб яшаган зотлар беҳисоб бўлган. Одамлар эл-юрт фаровонлиги йўлида энг оддий юмушни амалга оширган кишиларни ҳам унутишмайди. Бугун ҳикматга айланган «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» сўзларининг илдизи бағоят тегирани. Савоб тушунчасидек, савобнинг ўзидек. Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари, ундаги меъморий обидаларнинг фақат халқ ва жамият манфаатлари учун қурилганлигини ўйлаб лол қоласан киши. Ахир, Мир Араб ҳам, Кўкалош ҳам, Чор Бакр, Бибихоним ва яна юзлаб тарихий обидалар кимнингдир ҳузур-ҳаловати учун бунёд этилмаганда. Тошкентдаги Абулқосимхон Эшон, Бароқхон, Тиллашайх масжид ва мадрасалари кимнингдир кўнглини хушлаш учун қурилмаган. Кўҳак (Зарафшон) дарёси устига Убайдуллахон томонидан қурилган Меҳтар Қосим кўприги, Абдуллахон Иккинчи томонидан Карманда бунёд этилган кўприк ҳам одамлар ёху ҳазрат таъбири билан айтганда, «халқами»да яратилган.

Тарихий ва ижтимоий моҳиятига кўра халқимиз орзу-истагининг буюк тимсоли бўлган мустақиллигимиз ва ўтган йиллар давомига амалга оширилган бунёдкорона ишлар хусусига ҳам шуларни айтиш мумкин.

Тарихан ўтган қисқа мuddат ичига мамлакатимизда, хусусан, пойтахтимизда беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Эътироф этиш керакки, шаҳримиз нафақат республика аҳли, балки чет элликлар нигоҳида ҳам кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Бугун бир-биридан муҳташам ва мафтункор маданий-маиший, турар жой бинолари, кенг ва равон кўчалар, замонавий, маҳобатли кўприкларни кўриб уларнинг ижодкорю қурувчиларга чин дилдан тасаннолар айтаман. Албатта, кўз ўнгимизда рўй бериб турган бу янгиланиш ва яшаришлар ҳақида мароқланиб, тўлқинланиб ҳикоя қилгинг келади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист



САВОБ

Оқшом чорлари пойтахти азим янада гўзаллашади. Осмонўлар бинолар, чор атрофга бўй чўзган кафтдек текис, равон кўчалар, яшил майдонлар, кимўзарга баҳс бойлашгудек кўкка сув пуркаётган катта-кичик фаввораларга термулиб кўзингиз қамашади. Тунги Тошкент осмонини кезиб юрган салқин ва ўйноқи шаббода танангизга ҳузур бағишлайди. Шундай тинч, осуда дамларда ҳамма қатори биз ҳам пойтахт кўчалари, сайилгоҳларни кезишни ёқтираман. Шаҳримизнинг бугунги жамоли, гўзаллиги кимни ўзига мафтун этмайди, дейсиз! Атрофдаги ўзгаришлар, янгиланишларни кўриб мен ҳам шу шаҳарнинг оддий бир фуқароси сифатида гурурланаман. Баъзан эса касбим нуқтаи назаридан бўлса керак, уларни бирма-бир қаламга олгим келади.

Бу сафар ҳам кечки сайил баҳона шундай фикр туғилди. Лекин шаҳрим таърифини нимадан бошлаб, нима билан тугатай, деган ўй бир зум хаёлга толдирди. Истиқлолимизнинг қутлуғ йилларида асрга татиғулик юмушлар бажариб қўйилган бўлса, чиндан нимадан бошлашни билмай шошилиб қоларкансан, киши. Ширин хаёллар оғушида йўл юриб Юнусобод кўприги устига келиб қолганимни ҳам билмай қолибман. Икки йўловчининг

сўзлашуви диққатимни ўзига тортди.

— Шундай кўприкни қурганларнинг отасига раҳмат.

— Узоғимиз яқин бўлганини айтмайсизми, биродар. Илгари Эски Жўвага бориш учун озмунча айланма йўлларни босиб ўтармидик. Энди эса у бир қадам — қўл узатсанг етгудек.

Мана шу суҳбат менга мавзу топиб берди: Тошкент кўприклари ҳақида ёзишга аҳд қилдим. Чиндан ҳам ўйлаб қарасанг, дилни дилга бовловчи йўллар кўприклар орқали бир-бири билан туташаркан. Ахир мустақиллик йилларида шаҳримизда улардан қанчаси барпо этилди. Бугун улар нафақат кенг ва равон йўлларни, ҳатто шаҳарларни ҳам бир-бири билан боғлаб, туташтириб турибди.

Эндиликда бундай кўприкларни санай туриб сановидан адашасан, киши.

Шу ўринда бироз ортга назар ташлашга тўғри келади. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги тантаналарига қизғин тайёргарлик бораётган бир дамда пойтахт аҳли бунёдкорлардан муносиб туҳфа қабул қилиб олди. «Бўрижар» канали устига қурилган икки томонлама кўприк ишга туширилди. Ушбу ноёб иншоотни бунёд этишда «Ўзбектранспорт» уюшмасига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди, 85-қурилиш бошқармаси бригадалари ва бошқа бунёдкорлар муносиб ҳисса қўшишди.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида ҳам «Шижоатингизга балли, кўприксозлар!» дея пешвоз чиқдик. Бу сафар «Олой» бозори яқинидаги Абдулла Қодирий кўчаси бўйлаб ўтган ер ости йўли қурувчиларини янги меҳнат ғалабаси билан қутладик.

Бу иншоотнинг шаҳримиздаги бошқа йўл ости қурилишларидан мураккаблиги шундаки, унда йўловчилар қатнови учун ҳам икки томонлама ер ости йўлаклари бунёд этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири уч йўналишни ўзига мужассамлаштирган. Масалан, бири пиёдалар қатновчи йўл, иккинчиси метро бекатида олиб борадиган йўлакча, учинчиси эса ер

устки транспортлари бекатиға олиб чиқадиган йўллардан иборат. Бунинг устига кўприкнинг устки қисмидан икки томонлама транспортлар қатнови учун йўл очилган. Жанубий ва шимолий йўналишлар деб аталувчи бу йўлларнинг бири Амир Темур кўчасидан Ҳамид Олимжон майдони томон йўналса, иккинчиси Ҳамид Олимжон майдонидан келадиган транспортларни Амир Темур кўчасига олиб чиқади. Ер остки қисмининг узунлиги 810 метрни ташкил этадиган бу йўл чиндан ҳам масофа жиҳатидан энг узун иншоотлардан бири саналади.

Мовароуннаҳр кўчасига «Салор» каналининг икки қирғоғини бирлаштириб, транспорт ва йўловчилар қатнови учун қулайлик яратган Салор кўприги очилишига бағишланган тантаналар ҳамшаҳарларимиз ёдига узоқ сақланиб қолади. Мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида ишга туширилган бу кўприк пойтахтликларнигина эмас, балки Фарғона йўли бўйлаб қатновчи турли вилоятлардан тўхтовсиз келиб-кечиб турадиган меҳмонлар ва авто-

уловларнинг ҳам узоғини яқин қилди. «Тошгипротранс» лойиҳаси бўйича замонавий кўприкни бунёд этган 7-кўприк қурилиш трести бунёдкорлари ва ушбу қурилишда иштирок этган бошқа кўприксозларга бугун биз яна бир бор «Қўлингиз дарғ кўрмасин, бунёдкорлар!» деган қутлуғ сўзларни айтамыз.

Мустақиллигимизнинг меваси бўлган бу иншоотлар ҳақида ёза туриб, кўз олдимдан турли хотиротлар, ўтмишнинг оғир ва серташвиш дамлари бирма-бир ўтади. Яқин ўтмишимизнинг қора кунларини бошдан кечирган, фақат озодликка интилиб яшаган аждоғларимиз бу дориломон кунларни кўрса, нима дерди? Кун кеча жонини жабборга бериб, жазирама офтоб тиғида пахта терган, юрт ва эл равнақи йўлида пешона тери тўкиб, роҳат ўрнига жабр кўрган ватандошларимиз наздида бугунги кун не рангларда товланар экан?

Сочқин хаёлларимни нотаниш кекса йўловчининг: «Бу кўприкни йўл қаёққа олиб боради, биродар» — деган саволи тўзғитиб юборди.

— Бу йўлнинг адоғи йўқ. Сиз қаерга бормоқчисиз ўзи? — дейман унинг саволига савол билан жавоб қайтариб.

— Сўнгги йилларда Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Бундан беш-олти йил олдинги шаҳарни ҳозиргиси билан сира таққослаб бўлмайди. Ҳар бири тарих, бир достонга тенг. Ёшим саксонга етиб ҳали бунақасини кўрмаганман, биродар.

Отахон Бухородан келган экан.

— Тошкентда қизим туради, — дейди у. — Ҳар келганимда шаҳарни айланаман, ҳар гал қандайдир бир янги иншоотга кўзим тушиб ҳайратланаман.

Айни дамда отахон билан чор-атрофни томоша қилиб турганимиз Юнусобод кўприги мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бунёдкорларнинг чинакам муносиб совғаси бўлди. Унда икки йўналишда бир йўла уч қаторда машиналар ҳаракат қилади.

Таъкидлаш керакки, янги иншоот ўзининг қурилиш услуби, технологияси, мустаҳкамлиги билан Ўрта Осиёда ягона. Монолит қуйма кўприкни барпо этишда тежамкорликка



ҳам алоҳида эътибор берилди. Тежамкорлик, замонавий технология ва албатта, бунёдкорларимизнинг маҳорат ва матонати 1,5 йилга мўлжалланган ишнинг саккиз ойга бажарилишига сабаб бўлди.

Бугун Қўйлиқ кўпригини кўздан кечирган одам унинг лойиҳаси қулайликларни нақадар кўзда тутганлиги шоҳиди бўлади. Ушбу кўприкнинг ишга туширилиши чор тарафга олти томонлама равон йўллар очиш имконини берди. Бу иншоот беш ойга қуриб битказилганлиги билан ҳам таҳсинга лойиқдир.

Кўприк бўсағасида туриб суҳбатлашаётган икки қария диққатимизни ўзига тортди. Уларга яқинлашиб саломлашдик. Кексаларнинг шаҳримиз кўчалари, хусусан, кўприклар ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Яқин-яқинларгача чет элларга сафар қилган кишилар у ерларда кўрган-кечирганларини ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беришарди, — дейди улардан бири. — Айниқса, гап кўпроқ кўчаларнинг кенг ва равонлиги, озодлиги, кўприклар хусусида борарди. Ҳозир ўзимизда таърифи жаҳонга арзигулик нурафшон кўчалар, узоқ йўлларни бир-бирига туташтирган кўприкларнинг саноғи йўқ. Уларнинг мақтовини келтиришга тил ожиз. Биргина мана шу Қўйлиқ кўпригини олинг. У йўловчи-

ларга ҳам, транспорт қатновига ҳам қанчадан-қанча қулайлик яратди.

— Бизнинг ёшимиздагилар олдин кўприк деганда фақат анҳор ва каналлар устида қаққайиб турган тор ва мўъжаз кўприкларни тушунардик. Кенг ва равон йўлларни бирлаштирган бунақа ҳайбатли кўприкларни энди кўриб турибмиз. Албатта, буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати ила бунёд этилаётганини ҳар биримиз юракдан ҳис этиб турибмиз, — дейди яна бир суҳбатдошим.

Шу ўринда айтиш керакки, бугун юртимизда мустақиллик йилларида тикланган қайси бир иншоотни олмайлик, уларнинг барчаси юртбошимизнинг сазъ-ҳаракатлари, тақлиф ва истаклари, маслаҳатлари билан амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Аҳмад Дониш йўлини Халқлар Дўстлиги ва Хагра майдонлари билан боғловчи муҳташам кўприкнинг очилиш маросимида юртбошимизнинг қурувчилар шаънига билдирган миннатдорчиликлари, маҳаллий аҳоли, нуроний отахонлар билан дилдан қилган суҳбатлари ҳали-ҳануз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Яқинда йўлимиз тушиб, мана шу кўприк устидан ўтаётиб қувайтлик меҳмон Жалол ас-Содиқ билан танишиб қолдик. У бизга қўйидаги сўзларни айтди:

— Юртингиз кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Жойларда қад ростлаётган бир-биридан муҳташам бинолар, замонавий йўллар ва кўприклар пойтахт кўригига кўрк қўшади. Буларнинг ҳаммаси истиқлол туфайли, тинчлик ва ҳамжиҳатлик билан қилинаётган меҳнат самараси.

«Отчопар» бозори яқинида қад ростлаган кўприк бугунги кунда кўрк очиб Тошкент ҳалқа йўлини Қатортол ва Гавҳар кўчалари билан туташтириб турибди. Аслида тўрт йилда қурилиши лозим бўлган бу иншоот ҳам ўта қисқа муддат ичиде фойдаланишга топширилгани бугун ҳар биримизга аён.

Тошкенти азимда кўприклар қурилиши йил сайин давом этмоқда. Бу йил кўприксозлар Жанубий вокзални кичик ҳалқа йўли билан боғловчи кўприкни тиклаб фойдаланишга топшириш мақсадида самарали меҳнат қилдилар.

Она юртим, ишончим комилки, сенинг ардоқли, толмас ва фидокор йўлбошчинг, бунёдкор халқинг, фаровон ва ободлигинг йўлида меҳнат камарини белига боғлаган, ҳурмат ва эъзозга сазовор фидойиларинг бор экан, сен кун сайин ҳусн очиб бораверасан. Асрлар оша номинг ва шонинг тилларда дoston бўлаверади.



Яна сизни суявердим

Эркатош ШУКУРОВА



* * *

Йиллар сизга ўз ҳукмини ўтказибди,
Қалбингизга ўзга бир гул ўтқазибди.
Бир ўйин бу: кимлар ютиб ютқазибди,
Суйган сайин яна сизни суявердим.

Орамиздан қанча ёзу қишлар ўтди,
Ғамлар ўтди, кўздан аччиқ ёшлар ўтди.
Гоҳо тегди, гоҳо тегмай тошлар ўтди,
Ўтган сайин яна сизни суявердим.

Суйиб-суйиб хатлар ёздим,
Олмадингиз,
Шоир бўлиб куйиб ёздим, сезмадингиз,
Ширин жондан кечиб ёздим,
Билмадингиз,
Суйган сайин яна сизни суявердим.

Изларимда мингта интизорлар бўлган,
Йўлларимда ойдай тўлган, кундай кулган.
Дунё кўйган жонидан ҳам ортиқ суйган,
Суйган сайин яна сизни суявердим.

* * *

Бўйинга тенг бўйим дегандим,
Нурга тўлсин уйим дегандим,
Гулга тўлсин уйим дегандим,
Кўнгилдайин кўнгил топмадим.

Оҳ, билмадим дил боғланганин,
Оҳ, билмадим дил доғланганин,
Оҳ, билмадим йўл боғланганин,
Кўнгилдайин кўнгил топмадим.

Зулмат кечаларда ой эдинг,
Ойимни, оҳ, ўша шом еди,
Эслаганда кўнгил ёнади,
Кўнгилдайин кўнгил топмадим.

Ишонгандим намозшомгулим,
Ифорларга тўлмади кўнглим,
Гулханларга отдим ўт умрим,
Кўнгилдайин кўнгил топмадим.

* * *

Бир қучоқ қизгалдоққа айланамиз бир кун,
Ҳеч кимнинг ҳадди сизмас уни узмоққа.
Ризқ-рўз узилар,
Бир уюм тупроққа айланамиз бир кун.
Ҳеч ким қўлидан келмас уни чўзмоққа.

Олучалар, зардолилар гуллайверади,
Турналар қайтаверар аризмчоқ солиб.
Дарёлар шовулар, тоғлар тураверади,
Бу дунё ҳаммамиздан кетади қолиб.

Бир қучоқ қизгалдоққа айланиб бир кун,
Кетамиз «Дунё бизсиз ҳувиллаб қолар».

Севишу севилиш, муҳаббат ул кун
Ҳаммаси эртакка айланиб қолар.

Бир қучоқ қизгалдоққа айланиб бир кун,

На йиглаб, на кула олмасдан,
Бу юрак гоҳ ярим, гоҳ бўлди бутун,
Ҳақиқат борлигин била олмасдан
Бир қучоқ қизгалдоққа айланамиз бир кун.

ОЙ ТЎЛГАН КЕЧА

Бағрим ҳам тўлган эди,
Бахтим ҳам кулган эди,
Бахтиёр бўлган эдик,
Ой тўлган кеча.

Гўё кўшиқ куйларди,
Ҳар гул, ҳар япроқ,
Дилда йўқ эди ҳеч «оҳ»,
Ой тўлган кеча.

Куйиб куйлаганингиз,
Суйиб сўйлаганингиз,
Менман ўйлаганингиз,
Ой тўлган кеча.

Бугун қалбим доғликдир,
Туйгулар оғуликдир,
Қалб зулмат нечоғликдир,
Ой тўлган кеча.

Кўкка сочилган юлдуз
Каби менинг оҳларим,
Сиз ўзгани қучдингиз,
Ой тўлган кеча.

НАМОЗШОМГУЛИМ

Намозшомгулим,
Майин ифорларинг менга бер,
Майин гуфторларинг менга бер,
Сен бор хушторларинг менга бер,
Бахтиёр аёлга айланай.

Намозшомгулим,
Жоним юрсин сендан айлона,
Шу жон бўлсин сенга қурбона,
Ўлсам кошки ишқингда ёна,
Бахтиёр аёлга айланиб.

Намозшомгулим,
Муҳаббатим, нидоларимсан,
Кўшигимсан, наволаримсан,
Кечир, бўлса хатоларим сан,
Бахтиёр аёлга айланай.

* * *

Сен билан иккимиз хушбахт бўлсайдик,
Кундуз ҳам, тунда ҳам бирга бўлсайдик,

Эҳ, ўша гийбатлар уйи куйсайди,
Кўзингга жо бўлиб яшасайдим мен,
Кўзимга жо бўлиб яшасайдинг сен.

Пойимни ўпса-да тилло остона,
Кечгумдир ҳаётим бўлса шоҳона,
Ишқингда десинлар гадо, мастона,
Кўзингга жо бўлиб яшасайдим мен,
Кўзимга жо бўлиб яшасайдинг сен.

Тақдир гуноҳлари унутилгандай,
Менинг пешонамга сен битилгандай,
Оллоҳим, деганда бахтлиман қандай,
Кўзингга жо бўлиб яшасайдим мен,
Кўзимга жо бўлиб яшасайдинг сен.

Ғаним мақсадига ҳеч етмасайди,
Юрагимни япроқдай узмасайди,
Ягона севгимга кўз тегмасайди,
Кўзингга жо бўлиб яшасайдим мен,
Кўзимга жо бўлиб яшасайдинг сен.

Услоҳотлар ҳадисини олиб

У

зоқ йиллар давомида қорақалпоқ маданияти ва илм аҳли билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб келаётганим, улар билан яқин муносабатда бўлганим учунми, бу юрт одамларига меҳрим ва хурматим бўлакча.

Қорақалпоқлар ўзлигини таниб, тарихий илдишларидан куч, улуғ аждодлар меросидан баҳра олиб, маънан ва руҳан юксалган қудратли халқ бўлиб, XXI асрга қадам қўйди. Ўзбек халқи билан елкама-елка мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Қорақалпоғистонда истиқлол йилларида саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан ва маданият равнақ топди. Истиқлол йилларида барпо этилган ва Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак

тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги ун ва кабель заводлари мамлакат салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Урга газ конидан ҳар куни бир неча миллион куб метр табиий газ ишлаб чиқарилмоқда. Италия ускуналари билан жиҳозланган мрамор заводи, Нукус, Тўрткўл ва Қўнғирот шаҳарларидаги замонавий ун заводлари, Нукус шаҳрида маъданли сув ишлаб чиқарадиган ва бошқа йирик корхоналарнинг ишга туширилиши, республика аҳолисининг 60 фоизи ичимлик сув, 86 фоизи табиий газ билан таъминланиши Қорақалпоғистон учун муҳим ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар даври бўлди.


Республикада хориж сармоялари асоси-

да барпо этилган «Катекс», «Элтекс» каби замонавий технологиялар билан жиҳозланган қўшма тўқимачилик мажмуаларида бугун юзлаб қорақалпоқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. 243 километр узунликдаги Туямўйин-Нукус сув ўтказгичининг ишга туширилиши аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Қорақалпоғистонда етиштирилган пахта Испания (1997) ва Мексикада (1998) халқаро олтин мукофот билан баҳоланган бўлса, 2000 йилда Халқобод ва Беруний пахта тозалаш заводлари маҳсулотлари Испанияда сифат учун халқаро «Олтин юлдуз» нишони билан тақдирланди. Ўтган 2001 йили «Қорақалпоқ буянтомир» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари



Амриддин БЕРДИМУРОДОВ
(1954 йилда туғилган) — ЎзР ФА Археология институти бўлим мудири, тарих фанлари номзоди.



Рустам ҚОСИМЖОНОВ
(1979 йилда туғилган) — шахмат бўйича Осиё чемпиони, халқаро гроссмейстер.

халқаро «Платина юлдузи», «Қорақалпоқба-лик» бирлашмаси консерва маҳсулотлари эса Мексикада сифат белгиси билан тақдирланди.

Бугун Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими ва унга қаршли 5 та илмий-тадқиқот институти, ЎзР ФА илмий-ўқув марказининг филиали, Ботаника боғи, Асосий кутубхона, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университе-ти, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педа-гогика институти, Тошкент аграр универси-тети, Тошкент педиатрия ва тиббиёт, Тош-кент архитектура-қурилиш институтлари-нинг филиаллари, 22 коллеж, 36 касб-хунар лицейлари, 1 академик лицей, 752 ўрта таълим ва 21 мусиқа мактаблари, «Ўзбекна-во» гастрол-концерт бирлашмасининг Қорақалпоғистон бўлими қошидаги «Аму тўлкини», «Гулзор» миллий вокал-чолғу ва хореографик ансамбллари ва «Ўзбек-ракс»нинг Қорақалпоғистон бўлимидаги «Айқулаш» ансамбли, Бердақ номидаги му-сиқа театри, Ёш томошабинлар театри, Қўғирчоқ театри, Савицкий номидаги Санъат музейи, Ўлкашунослик музейи, мингдан зиёд тарихий, маданий ёдгорлик-лар, муқаддас қадамжолар мавжуд. Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманлари-да 5 ўйингоҳ, 12 та теннис корти, Нукус шаҳрида эса замонавий теннис мажмуаси

халқ хизматида.

«Умид» жамғармаси ва бошқа чет эл грантлари бўйича 50 дан ортиқ қорақалпоқ йигит-қизлари бугун АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Олмония каби мамлакатларнинг энг нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олмоқда. Маҳмуд Сулаймонов АҚШнинг Мичиган университетини битириб қайтди ва АҚШда ўтказилган «Эркинликни қўллаб-қувватлаш» акти бўйича ўтказилган танлов-да голиб чиқди. Мичиган университети та-лабаси Алишер Санетуллаев Туркияда фи-зикларнинг халқаро олимпиадасида бир йўла 3 та олтин медаль соҳиби бўлди. Та-рих, археология ва этнография институти докторанти Мақсуд Карлибоев АКСЕЛС ташкилотининг танловида қатнашиб, голиб деб топилди ва АҚШнинг Индиана (Блумингтон) университетиде амалиёт ўтаб қайтди.

Бир неча олимлар халқаро дастур ва грантларда иштирок этдилар. Умуман ол-ганда, Фанлар академияси тизимида хиз-мат қиладиган қорақалпоқ олимлари ўтган 2001 йилда 80 минг АҚШ доллари миқдо-ридаги ишларни амалга оширишга эриш-дилар.


Қорақалпоғистон бўлими илмий ходим-ларидан бир гуруҳи турли халқаро илмий анжуманларда иштирок этишга муяссар




**Сирожиддин
КАРИМОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Фанлар академияси
Илмий кадрлар
бошқармаси бошлиғи

бўлдилар. Жумладан, Биоэкология институ-ти лаборатория (бўлими) мудир, биоло-гия фанлари номзоди Алишер Ўрозбоев Японияда, табиий фанлар комплекси институти лабораторияси мудир, физика-математика фанлари номзоди Бахит На-римбетов АҚШ ва Голландияда, шу инсти-тутнинг катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди Турғунбой Сдиқов Туркияда, Юрий Камолов Франция ва Голландияда бўлиб қайтдилар.

Бу ютуқлар қорақалпоғистонлик олимлар ўзларининг янги кашфиётлари ва тадқиқот-лари билан Ватанимиз байроғини дунё узра янада баланд кўтардилар ва ўз соҳаларида катта довлонларни забт этади-лар деб умид билдиришга имкон яратади.



Маъруф ЖАЛИЛ
(1936 йилда туғилган) — шоир, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.



Жўрабой ШАКАРОВ
(1950 йилда туғилган) — Сирдарё вилояти, Меҳнатобод туманидаги «Хўроб» фермер хўжалиғи раиси.

Ватан ҳақида кўшиқ

«Бизда омонга тош от-сангиз, қўшиқчининг бошига тўшади». Обид Асомовнинг ушбу ҳазили замиридаги кино айримларга «тегиб» кетса ҳам, тан олмай иложи йўқ: шоу-бизнес катта шиддат билан ривожланаётган айни замонда кўшиқчиларнинг бирданга кўпайиб кетгани рост. Бироқ санъатга қадам кўяётган ҳар бир инсон ўзи билан ҳеч бўлмаганда битта янги мавзуни ҳам олиб кирганида ёки аввалдан мавжуд бирор мавзуни ўз услуби, ўз овози билан куйлай олганида эди, ўзбек кўшиқчилиги анча илгарилаб кетган бўлармиди... Биз кўшиқчиларнинг умумий сонию бунинг сифатга таъсири ни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Муддаомиз бошқа. Бугунги ўзбек кўшиқчилигида анча кенг ўрин тутган бир мавзу — Ватан ҳақидаги кўшиқлар борасида фикр юритмоқчимиз.

Ватан ҳақида куйлаш осонми?

«Ҳа, чунки бизда бунинг учун барча имкониятлар яратилган, ахир биз озодмиз, мустақилмиз». Саволга асосан шу тахлит жавоб олишимиз табиий. Бироқ «имконият яратилди» «хуқуқ берилди» дегани эмас-да, яъни имкониятим бор, деб дуч келган одам куйлайверса-ю, бу кўшиқ на савия, на ижро даражаси жиҳатидан Ватан номига муносиб бўлса... Бу мавзуда куйлаш учун кўшиқчида нафақат имконият, балки маънавий ҳуқуқ ҳам бўлмоғи керак.

Тўғри, шундай замонлар бўлганки, Ватан ҳақидаги кўшиқлар Ўзбекистон тўғрисида эмасди. Ўтган замонларга таъна тошини отиш бугун ҳаманинг кўлидан келади. Лекин шундай шароитда одамлар ватан мадҳига бўлган эҳтиёжларини савияси «Тошканим — онам»дан то «Ўзбегим»га қадар бўлган кўшиқлар билан имкон қадар қондиришга ҳаракат қилар эдилар. Муҳими, шундай кўшиқлар яратилган эди. «Ўзбегим» айтилмай ўзбекнинг тўйи ўтмасди. Энди-чи? Ҳозир ҳам ватан мавзусида чинакам санъат дурдоналари яратилмоқда ва бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ айрим «санъаткор»лар юқорида қайд этилган имкониятни суиистеъмол қилаётганга ўхшайдилар. Сўзимиз исботи учун бир неча йил аввал теле-радио хитига айланган, ҳозир

эса биров эса олмаётган Авазбек Олимов ижросидаги «Ўзбекистоним менинг» номли кўшиқни олайлик (Эсдан чиқиб кетган нарсага қайтиш на ҳожат?! Бироқ ҳамма гап унинг ана шундай тез эсдан чиқиб кетганлигида). Тўғриси, одамнинг кулгиси қистайди. Хонанда гарчи «Ўзбекистоним менинг» дея куйласа-да, кўшиқ аслида Тошкент ҳақида эканлигини ҳар қандай тингловчи ҳам бир зумда англаб олади. А.Олимов шеърнинг у ер-бу ерини ўзгартириб, ўзи истаган куйга солганча айтаверган. Ўша пайтлар ҳали ҳаёт бўлган муаллиф Муҳаммад Юсуфдан ҳам истихоло қилмаган. Аммо тингловчи шунчалар гўлмидики, унга шавлани палов деб тортсангиз ҳам индамай тушираверса... Мақсад ватанни мадҳ этиш экан, Тошкент ўша ватаннинг бир бўлаги эмасми?! Тошкент ҳақида куйланса, бу кўшиқ ватан ҳақида бўлмай қоладими?! Эл таниган, суйган хонандага бундай иш муносиб эмас. Афсуски, бугунги кунда ҳам бундай дилетантлик билан яратилаётган кўшиқлар талайгина.

Ватан ҳақидаги кўшиқлар аввало ватан ҳақида бўлиши керакми ёки аввало кўшиқ?

Бу савол билан эътиборингизни кўшиқларнинг бадиий савиясига қаратмоқчимиз. Ватан, ватанпарварлик каби ғоялар анча жиддий бўлганлиги учун уларни кўшиқ қилиш ҳам у қадар осон эмас. Аммо кўпчилик бугун бу қийин ишга уриниб кўраётпти. Хўш, натижа-чи, натижа қандай? Афсуски, қониқарли эмас. Айни мавзудаги «кўшиқлар»нинг ватан ҳақида эканлигини тан олсак-да, уларни кўшиқ дейишга кишининг тили бормайди. Чунки уларда фикр, ғоя шу қадар «яланғоч» ҳолатда, шу қадар «жар солиб» айтиладики, баъзан «ундан кўра шу гапларни бирор мақола шаклида айтиб қўя қолгани дуруст эмасми-ди?!» дея ўйланиб қоласан. Тўғриси, айрим кўшиқларнинг мақола қилиб айтгудек мазмуни ҳам йўқдек. Масалан, «Хўжа» гуруҳининг «Ўзбекистон ёшлари» номли кўшиғидан:

*Ўзбекистон ёшлари
Келинг бирдам бўлайлик.
Ота ва онамизга
Биз ҳам ёрдам берайлик.*

Ақлли гап, худди «икки кар-ра икки — тўрт» дегандек. Лекин қани бу ерда санъат? Тўғри бу — кўшиқ. Унда шеърдаги ноқисликларни куй текислаб юбориши, маромига етказилган ижро эса бадиий безак бериши мумкин. Шунинг учун ҳам айрим кўшиқларнинг матни куйсиз ўз жилосидан маҳрум, «яланғоч» кўринади. Бироқ матн «осмонда ой, ерда лой» шаклида куруқ ва бемаъни бўлса, ундаги тўмтоқликни ҳеч қандай куй, ижро яшира олмайди. Юқорида биз зикр этган «кўшиқ» ҳам айнан матннинг бадиийлик мезонларига ҳеч тўғри келмаслиги, мазмуннинг саёзлиги, кашфиёт ва гўзалликдан маҳрумлиги сабаб том маънода кўшиқ аталишга лойиқ эмас. Балки бошқа мавзудаги (масалан, ҳозир жуда «мода» бўлган она, ота, фарзанд ёки муҳаббат ҳақидаги) кўшиқ шу даражада куйланса, тингловчи уни нари борса эшитмай кўяр. Аммо ватан ҳақидаги кўшиқлар ҳам паст савияси туфайли эшитилмай қолса, бу бора-бора одамларда айни мавзуга, кейинчалик эса ғоянинг ўзига нисбатан ҳам кўникиш, лоқайдлик каби муносабатни юзага келтирмайдими?! Афсуски, ватан мадҳи ҳақида савияси паст кўшиқлар кўпайиб бораёпти.

Биз юқорида ватанни куйлаш учун маънавий ҳуқуқ керак, дегандик. Бу ҳуқуқ куйловчининг маънавий етуқлиги, диди, маҳорат даражаси билан белгиланади. Зеро, ватан ҳақида ёмон кўшиқ куйлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Тўғри, яхши кўшиқларнинг кўпайиши учун хизмат қилувчи бадиий кенгашлар мавжуд. Санъат асарлари ана шу бадиий кенгаш назаридан ўтказилаёпти, ватан ҳақидаги савиясиз кўшиқлар камайиб бормоқда. Бироқ барибир кўшиқчиликнинг хижолатли даражадан юқори кўтарилиши айтарли кўзга ташланмаёпти. Нима ҳам дердик, бадиий кенгаш борлар орасидан танлайди, йўқдан бор қилиб бера олмайди.

Биз ўзбек кўшиқчилигида ватан ҳақида маромига етказиб куйланган кўшиқлар ва уларнинг ижрочиларини инкор этиш фикридан йироқмиз. Истагимиз — бадиий юсак кўшиқлар кўп бўлсин.

Шаҳноза СОАТОВА



Тушга кирмас нималар,
 Ёвлар нима демайди?
 Биз ўтказган умрлар,
 Жўра, қайтиб келмайди.
 Ўйна, ҳо, ўйна!


Қайга шошар тентак сой,
 Товни кўзга илмайди.
 Бу кўркамлик, бу чирой,
 Жўра, қайтиб келмайди.
 Ўйна, ҳо, ўйна!

Ирганади иргайлар,
 Томирлар зирқиллайди.
 Ўқдай учар қирғийлар,
 Бу шашт қайтиб келмайди.
 Ўйна, ҳо, ўйна!

Тангиларнинг тошини
 Зулфиқорлар тилмайди.
 Ғоз тутгил-эй, бошингни,
 Бошлар қайтиб келмайди!
 Ўйна, ҳо, ўйна!
 Ўйна, ҳо, ўйна!



Фотосурат муаллифи Тўрғунбек Маҳкамов



Туркистон яйловларига нисбатан «Давлат ерлари» деган ҳуқуқий даъвосидан бошланади. Қолаверса, кўчманчи яйлов хўжалигида катта ер майдонларидан уларда ўт-ўлан, чорва учун озуканинг ўсиш динамикасини ҳисобга олмайди. Яна бир муҳим масала борки, у ҳам бўлса чорва яйловларидан фойдаланишда аҳолининг уруг-аймоқчилик ҳамда этник мансублигига қараб белгиланган чегаралар доираси ҳисобга олинган. Одатда бу чегаралар кўпинча аниқ белгилар билан эмас, балки «бу тепадан бу жойгача, у адирдан бу ёзиқгача» тарзида амал қилган. Қоидаларнинг яна бир қалтис ери шу эдики, уларда асосан «скататорговцы — промышленники», яъни чорвачи савдогар — ишлаб чиқарувчилар, ҳатто «саноатчи»лар манфаати акс этган.

Энди ўйлаб кўрайлик. XX аср бошида Сирдарё вилояти яйловларида (Сирдарё вилояти 1886 йил Низомига кўра мазкур дарё оқими бўйлаб Мирзачўлни, Тошкент вилоятини, Чимкент, Туркистонгача бўлган ерларни кўзда тутган) хусусий кўчманчи чорва, сано-

Россия империяси Туркистонни босиб олгандан кейин уни маъмурий жиҳатдан эрксиз қилиш, иложи борича ўлкадан кўпроқ фойда кўриш мақсадлари билан бир неча марта ялпи ҳамда маълум соҳалар бўйича бошқариш қоидалари ва низомларини ишлаб чиққан. Бу соҳада биринчи қадам сифатида 1865 йилда Тошкент истило қилинган, генерал Черняев томонидан маҳаллий халқ раҳнамоларига зўравонлик билан тиқиштирилган ҳужжатни кўрсатиш мумкин. Унда Россиянинг босқинчилик ҳаракатлари хаспўшланиб, Тошкент Россияга ўз ихтиёри билан қўшилди, деган маъно сингдирилган ҳамда Россия маҳаллий ижтимоий, диний аъналарни бузмаслик ва бошқа бир қатор шартларни зиммасига олган эди. Лекин тез орада бу шартлар шунчаки чалғитиш эканлиги аён бўлди. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман бошқарув лойиҳаси ишлаб чиқди. Ундан сўнг бир қанча соҳа ва маҳаллий бошқарувга оид қоидалар ишланди. Ниҳоят булар Туркистонни бошқаришнинг 1886 йилда қабул қилинган комплекс низомига айланди. Низом юзлаб бандлардан иборат катта ҳужжатдир.

Ўиқобданган

Ушбу Низомнинг мукамаллиги ҳам Туркистон мустамлака маъмуриятини қаноатлантирмаган кўринади. Орадан 15 йил ўтгач, Низом доирасидан четда қолган соҳа — кўчманчи чорвадорликдан олиниши мумкин бўлган улкан даромадга кўз тикилди. Бу эса янги қоидалар мажмуи ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Қоидалар Тошкентдаги В.М.Ильин босмаҳонасида арабий ҳарф ўзбек ёзуви билан ўзбекча таржимаси илова қилинган ҳолда нашр этилиб тарқатилган. Нашр варақасининг тепасида қоидаларни тасдиқлаган генерал-лейтенант Мацевскийнинг исми кўрсатилган.

Қоидаларнинг пайдо бўлиши бир неча маънода Туркистон чўлларидаги аънавий жамоачилик ер истифодаси (ердан фойдаланиш) қоидаларини менсимаслик оқибати эди. Аввал бу ҳужжат босиб олган голиб томоннинг

ат даражасига етганмиди? Демак, маҳаллий кўчманчи чорвадор аҳолининг хонаки ўз чорваси масаласини қоидалар етарли ҳисобга олмаган. Чорва олди-сотдиси билан шуғулланувчи жаллоблар эса чорва бозорининг чайқовчилари эди, холос. Улар бир бозор кунининг ўзида олган молларини нархи ўнг келса шу бозорнинг ўзида сотишар, ортиб қолган қисмини эса кейинги бозоргача боқиб туришар ёки бошқа бозорга ҳайдаб кетишар эди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қоидаларда берилган мулкчилик шакли (яъни, барча яйловлар давлатники), ердан чорвачилик мақсадларида фойдаланишнинг аънавий шакллари зарба берилган.

Мазкур қоидалар 10 банддан иборат. Бандларнинг биринчиси ҳужжат мазмуни ва мақсадини ифодалашга қаратилган. Унда айтилишича, «Ушбу низом

қўйфурушларга ўз молларини Туркистон вилоятига тобе подшоҳлиғ ерларида боқмоқ ва сотмоқ учун, ҳайдамоқ, ўтказмоқ хусусида тегишлидур».

Ҳужжатнинг иккинчи банди «подшолик» ерларидан юқоридаги мақсадларда фойдаланиш эвазига тўлов ҳақидаги қонидани қайд этади.

Учинчи банддаги мазмун қўй сурувларини олиб ўтиш, ўтлатиш учун подшолик ерларининг миқдорлари аниқ бўлмаган ҳолларда, қўй ва молнинг миқдори ушбу ерларга сиғмай қолган тақдирда қандай чора кўриш лозимлигини белгилайди.

Қоидаларнинг 4-банди қўй сурувлари ва мол поддаларини дарахтзорлар, ўрмонлаштирилган ерлардан олиб ўтиш тартибини кўзда тутган. 5-банд тўғридан-тўғри қўй сурувини ҳайдаб олиб ўтиш, ўтлатиш каби азалдан жамоачилик ёки мулк ерлари устидан мустамлака назоратини расмийлаштиришга қаратилган. Унда бундай дейилади: «Юқорида баён бўлган ерларга мол боқмоқ учун дарахтзорларнинг устидин қараб турғон мансабдорлар,

**ОЙГУЛ
САФАРБОЙ қизи,
ЎзР ФА Тарих
институтининг
докторанти**



ларини уезддан-уездга ҳайдаб ўтиш учун чипталар бериш шарт-шароитлари баён этилган. Унга кўра сурув эгалари ҳар бир уезд чегарасидаги махсус назоратчилардан шу уезд худудидан қўйларни олиб ўтиш учун бутун йил учун бир йўла бир чипта сотиб олган. Бошқа уездга ўтгач, яна янги чипта олган ва ҳоказо. 7-бандида мазкур

чипталарнинг нархларини ҳар майда туёқ боши ҳисобидан 2 тийин, ҳар бир қорамол бошидан 10 тийиндан қилиб белгилаб берган ва хазинага тушадиган маблағ деб кўрсатган.

8-банд чипта-

сиз мол, қўй ҳайдаб ўтиш ва бошқа ҳолларни жиноий жавобгарликка тортиш тартибини жорий этади ва бунга қўлланадиган жазо чорасини мировой судьялар (яъни, Россия жиноят-жазо мажмуининг) 148-моддасига биноан белгилайди, дейилган. Ушбу бандда яна бир муҳим масала қайд этилган. Унда айтиладики, қўй сурувларини, поддаларни ҳайдаб ўтувчилар маҳаллий аҳолидан фойдаланиб, келишган ҳолда иш тутсалар, маҳаллий аҳоли уларнинг молларини ўзиники қилиб кўрсатиб яшириб боқиб бераётгани аниқланса, у ҳолда маҳаллий аҳоли бу иши учун юқоридаги меъёрларда жазога тортилади.

Қоидаларнинг 9-банди далалар, яйловлар ва дарахтзорларни қўй сурувлари ва мол поддаларидан асраш, уларни ҳайдовчи ва боқувчилардан чипта пули ундириш ишларига губер-

натор ёрдамчиси белгиладиган ўрмончилар, дала ва яйлов қўриқчилари (қоровуллари)ни ишлатиш, уларнинг меҳнат ҳақи (яйлов мавсуми ойлари уларнинг ҳар бирига 20 рублдан 40 рублгача ойлик иш ҳақи миқдоридан) тўлаб туриш, бу тўловларни юқорида айтилган чипта пуллари ҳисобидан қоплаш кабиларни қайд этади. Шу билан бирга ушбу бандда яйловлар, ўрмон, дарахтзорлар, далаларни чегара белгилари билан таъминлаш, назорат пунктлари қуриш, зовурлар қазиб чегаралар ўтказиш, устунлар, ёзув лавҳалари билан белгили қилиш каби ишларга сарфланадиган маблағлар ҳам мазкур чипта — билетлар ҳамда жарималар ҳисобидан қопланади деб тайин этилган. Кўриниб турибдики, ушбу тадбирлар рус мустамлакачилари хазинасини бойитишда муҳим омил бўлган. Шу билан бирга чорва бошининг умумий ҳисоби, ундан келадиган даромад миқдорлари ҳақида ҳам рус хазинасини аниқ маълумотларга эга бўлган. Муҳими шуки, асрий кўчманчи чорва аънаналари аста-секин ўтроқлашувига ушбу тадбирлар асос солди дейиш мумкин. XX аср давомида аввал Россия мустамлака тизими, кейин эса совет давлати кўчманчиликка барҳам берди. Ерлар, яйловлар бутунлай давлат мулкига айланди ва ҳўжаликлаштирилди. Бу жараёнлар оқибатида чорванинг ялпи қирилиши, 30-йиллар бошларидаги қаҳатчилик каби ҳолатлар юзага келди. XX аср бошида амалга оширилган яйловлардан фойдаланиш қоидаларининг маҳаллий аънавий ҳўжалик укладини сунъий равишда зўравонлик билан бузиб ташланганидан бошланган эди, десак хато қилмаган бўламиз.

Мансраат

Яъни ер маҳкамасини (нг) лавозимотини адо қилғувчилар Ўблуст (область — О.С.) губернатурининг ноиби ва лесничийлар ва уларнинг ноиблари мавжуд шоха (тармоқ— О.С.) амлоклари устудин қараб турғувчи нозирлар ижозат бериб туродурлар».

Банд мазмунидан кўриниб турибдики, ўрмон, чакалак, бутазорлар (масалан, саксовулзор сингари ерлар) орқали қўй ва молларни олиб ўтиш, юқоридагига биноан баъзан дарахтзорлар орасидаги очиқ майдончаларда бироз ўтлатиш (агар босиб ўтиладиган йўл 10 қақиримдан узун бўлса) бундай ҳолларда мустамлака маъмурларидан махсус чипта — рухсатнома бўлиши талаб қилинган. Бу қоида бозордан-бозорга ҳаракатланаётган қўй сурувларини аниқлаб, бозор орқали назорат қилинган.

Қоидаларнинг 6-бандида қўй сурув-

Академик
МУРОД ШАРИФХУЖАЕВ

70 ёшда



Таракқиёт омили

Республикада кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, молия-банк, ҳисоб-кредит муассасалари, бошқа корхона ва ташкилотларнинг молия ходимларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида бундан 10 йил муқаддам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Фармони билан юртимизда ягона Тошкент молия институти ташкил этилди.

Институт ана шу қисқа давр ичида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир олий ўқув юртига айланди. Бугунги кунда институтда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижросини амалга ошира бориб бозор иқтисодиёти талабига мос молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби, аудит, касбий педагогик тайёргарлик каби таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрланмоқда.

Институтда кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини таъминловчи моделга биноан иккита лицей, банк коллежи, бакалавриатура, магистратура, малака ошириш институти, аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўн йил давомида иш мазмунини янгилаш, илғор педагогик технологияларни амалиётга киритиш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини кўтариш, ўқув қўлланмалари, дарсликлар сифати ва мазмунини яхшилаш, шунингдек, соҳага оид илмий тадқиқотларни рағбатлантириш бўйича изчил изланишлар олиб борилди.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш моделини амалга ошириш, уларни замон талаблари ва жаҳон андозаларига мос бўлиши учун институтда бешта факультет, солиқ ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш маркази ва магистратура бўлими ҳамда 23 та кафедра фаолият кўрсатмоқда.

Институт олимлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий техника таракқиётини Мувофиқлаштирувчи кенгаш қошидаги фан ва технология маркази билан ҳам ҳамкорликда самарали изланишлар олиб боришмоқда. 1991-2001 йилларда улар қатор монографиялар, илмий мақолаларни нашрга тайёрлаб, чоп этишди. Охириги икки йил мобайнида бешта монография, 120 дан ортиқ илмий мақола, 185 дан ор-

тиқ илмий тезислар босилди.

Институтда республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференциялар, семинарларни ўтказиш кенг йўлга қўйилган. Кейинги икки йил ичида ўндан ортиқ мавзуларда республика илмий-амалий конференциялари ўтказилиб, уларда 150 дан зиёд илмий маърузалар тингланди.

Кафедраларда профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий семинари фаолият кўрсатмоқда. Уларда кафедранинг илмий йўналишидан келиб чиқиб, энг долзарб мавзулардаги маърузалар тингланиши ва муҳокама этилиши йўлга қўйилган.

«Иқтисодий назария», «Макроиқтисодиёт», «Эконометрика ва статистика», «Молия, пул муаммолари ва кредит», «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит», «Маркетинг» мутахассислиги бўйича аспирантура ва докторантура мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларда 77 аспирант изланиш олиб бормоқда, шулардан 34 нафари ишлаб чиқаришдан айри ҳолда, 43 таси эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда сиртқи аспирантура бўлимида ўз тадқиқотларини амалга оширмоқда. Шунингдек, икки катта илмий ҳамда олти стажер-тадқиқотчилар ҳам бор. Ўн йил ичида 9 нафар докторантлар ва 27 нафар аспирантлар ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунларда институтимизнинг 27 талабаси

АҚШ, Англия, Германия каби ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

Илм-фан ҳеч вақт маълум бир миллат, давлат билан чегараланиб қолмайди. Жамият таракқиётининг тарихидан маълумки, бир кашфиёт ёки янги усул умуминсоний манфаатларга хизмат қилади. Дунё миқёсида қўлга киритилган илм-фан янгиликларидан баҳраманд бўлишда ҳозирги кунда халқаро ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Ўтган йиллар мобайнида институтимиз хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан, хусусан, Нью-Йорк (Нью-Полтз) университети, Германиянинг Кассель, Буюк Британиянинг Нотингем университетлари билан мунтазам илмий алоқалар ўрнатди.

Институтимиз ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти, ТАСИС, Айрекс, Фулбрайт, Сорос, Германиянинг ДСЕ, ДААД дастурларида иштирок этмоқда. Олимларимизнинг кўпчилиги халқаро миқёсда аҳамиятли илмий маҳсулотлар беришга қодир. Менинг ис-тагим, мана шу имкониятларни тўла ишга солишга барча олим ва мутахассисларимиз астойдил киришсалар, хорижий илғор тажрибалар асосида янги услубий ва ташкилий тадбирларни амалиётга жорий этсалар, айна муддао бўлар эди.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
Тошкент молия институти
ректори





Шерзод ХАЛИЛ

Умр ~ Дарё,
Вақт ~ Қабилқ

Табиат кўйнида бўлганимча лол,
Хайрат-ла севиниб яйраб
жўшаман.
Азим чинор бўлди мен эккан
ниҳол,
Мен эса ҳали ҳам ўша-ўшаман.

Диллардан қувилди азобли
фироқ,
Кўкдаги юлдуздек висол —
шамчирок,
Қоп-қора тунларда қолгандай,
бирок
Мен эса ҳали ҳам ўша-ўшаман.

Даво йўқ дардларга, йўқ асло
малҳам,
Минг битта умрлар топганча
барҳам,
Йиллар гирдобида ўзгарар олам,
Мен эса ҳали ҳам ўша-ўшаман.

Умр дарё дерлар
Ҳақ сўзга лойиқ.
Ибтидо, интиҳо —
Иккита қирғоқ.

Вақт эса манзилга
Элтгувчи қайиқ;
Кимни у тез элтар,
Кимнидир узок.

Табиат қонуни —
Бу шундай йўриқ,
Яшашга йўл йўқдир
Умрбод қолиб.

Бу қайиқ танламай
На қавм, уруғ,
Бир-бир кетаверар
Жимгина олиб.

Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга бўлган муҳаббат туфайли вужудга келади.

Ж.Руссо
(француз мутафаккири)

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун, Инсон ҳаётини қилур бемазмун.

М.Салмон Соважий
(форс шоири)

Ватанга бўлган муҳаббатим мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги хазиналар билан шунчалик бойитгим келади.

Ф.Вольтер
(француз адиби)

Кимки ўз Ватанига дахлдор бўлмаса, у инсониятга ҳам дахлдор эмас.

В.Белинский
(рус мунаққиди)


Ватан учун чала иш қилиш, унинг учун ҳеч нарса қилмасликдир.

М.Робеспьер
(француз давлат арбоби)

Ўз юртидан юз ўғирганлар ўз виждонларидан ҳам юз ўгирадилар.

Я.Галан
(украин адиби)






ПО



ТАХТ ЖАМОЛИ





Борқини қадриятлар





«...унга фидо бўлса, не ғам?»

«Шодлик оширувчи хонанда, ғамни тарқатувчи созанда — буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дарғлар жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулоим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса, не ғам?»

Алишер Навоий,
«Махбуб ул-қулуб».

«Ғамни тарқатувчи созанда». Дарҳақиқат, руҳиятимизнинг маънавий манбаи бўлмиш сирли оҳанглари садолантирувчи созандадир.

Қадим-қадим замонлардан инсонлар мусиқани ўзига ҳамроҳ, энг гўзал туйғуларни акс эттирувчи восита сифатида билиб келганлар. Ибтидоси «алоқа воситаси» сифатида шаклланган оҳанг тараннум услуби даврлар оша ажодлар амалиётидан беқиёс санъат босқичига етган. Созандалик аталмиш бу соҳа бой санъатнинг бе-назир намунасига айланди. Ранг-баранг мусиқий садолар тараннум этувчи восита, яъни мусиқий чолғулар бунёдга келтирилди. Уларнинг ҳаммаси миллий руҳият, ўзликни намоён этувчи қадриятлар ва энг гўзал аъёнлар негизида пайдо бўлган. Зотан, мусиқий созлар ҳам муайян халқнинг маънавий аксидир, деб айтишга тўла ҳақлимиз. Пировардида эса, ҳар бир санъат асарига айланган, мукамал ишланган чолғу — соз халқ мулкига айланади. Қайсики халқда мусиқий қонуниятларига жавоб бера оладиган мукамал соз шаклланган бўлса, албатта, у халқнинг шунга хос устоз созандалари мавжуд бўлади. Бу халқнинг бой мумтоз мусиқий меросга эга бўлиши муқаррардир.

Ўзбек мусиқа мероси бой ва уммон каби улқандир. Ҳар бири забардаст дostonлардек бўлган куй ва ашулаларимиз узок

ўтмишда устоз созандалар, хонандалар томонидан яратилиб келинган. Халқимизнинг ўтмиш маънавиятини, руҳиятини ўзида ифода этган асарлар даврлар оша хонандаю созандалар ижодида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Одатда мусиқа, энг аввало, куй (оҳанг) намунасида бунёдга келади. Дунёдаги ҳар бир элат, ҳар бир маросим, ҳар бир авлод, ҳар бир давр ўз мусиқасига эга бўлиб, амалиётда замон руҳида шаклланган ижрочилик аъёнлари мавжуддир. Қайд этилган жараёнларни бевосита ҳаёт тизи-мида жонлантирувчи омил «созанда»дир (Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, овоз мусиқа ижрочилиги санъатида энг мукамал соз ҳисобланади). Шу боис созанда инсоннинг турли ҳолатларини чолғуда акс эттириб, унга ҳамоҳанг бўлишга қодирдир. Ҳазрат Навоийнинг «...созанданинг ёқимли ижроси ҳаттоки тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан, ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига кўзғолон солади» деган сатрлари созанда амалига берилган энг олий баҳодир.

Ўтмишда яшаб ижод этган, фалсафаю мантиқ, ҳандасаю риёзиёт, фалакиётшунослигу адабиётда оламшумул ихтиролар қилган Шарқ алломаларининг мусиқа илмига бўлган муносабатлари, айниқса, уларнинг чолғу соз ижрочилигига бефарқ бўлмаганликлари барчага аён. Ўтмиш алломаларининг мусиқа илмида рисоалар битибгина қолмай, маълум чолғу созини яратиши ёки унга бирор янгилик киритиши ва мусиқий куйлар яратганликлари ҳам мусиқанинг сирли сеҳр кучидир.

Манбаларда ёзилишича, шарқнинг буюк алломаси, «Муаллими Соний» номи билан машҳур Абу Наср ал-Фаробий фалсафа, мантиқ, риёзиёт каби илмларда бир қатор рисоалар битган. Шу билан бирга замонасининг етук мусиқашуноси ҳамда машҳур созандаси бўлган экан. Бу маълумотлар бизгача сақланиб келган манбаларда, битилган кўпгина ривоятю ҳикоятларда ўз аксини топган. Шулардан бири:

ал-Фаробий кўп ўлкаларни кезиб, қадимий Рай шаҳрига келиб қолади. Айтишларига қараганда, Абу Наср доимо ўзи билан мусиқий чолғу олиб юрар экан. Шу кунларда Рай шаҳрининг зодагонларидан бўлмиш Аббод ас-Соҳиб ўз яқинларига анжуман уюштирган экан. У даврнинг истъоддодли олим ва фозилларига катта эътибор берганлиги билан шўхрат қозонган эди. Соҳиб Фаробий шўхратидан ҳам бохабар экан.

Абу Наср ҳеч кимга ўзини танитмай маросимга кириб боради. Маросимда соҳибнинг ёру дўстлари, улфатлари, хизматчилари, таниқли одамлар ҳамда ўйинчима-шўқлар тўпланган эди. Маросим одатдагидек ўтарди. Иттифоқо, мусиқачилар тинган бир пайтда Абу Наср халтасидан учта жисм олиб, бир бирига боғлаган ҳолда мусиқий чолғу тахлайди. Шундан сўнг учта

куй ижро этади. Биринчисида одамлар хурсанд бўлиб, рақсга тушадилар. Иккинчисида хўрликлари келиб, кўз ёши тўқадилар. Учинчи куй ижро этилганда, мусиқий создан чиққан майин сеҳрли садо эшитувчиларни элтиб, хушларидан кетказибди. Шундан сўнг Абу Наср мусиқачиларнинг чолғуларига «Сенинг маросимингга дўстинг Фаробий иштирок этди» деган ёзув қолдириб, маросимни тарк этади.

Аббод ас-Соҳиб ўзига келиб қараса, ҳамма уйқуда. Куй ижрочиси ким эканлигини дарҳол топиш буюрилади. Лекин бунинг иложи бўлмади. Мусиқачилардан бири чолғуда ёзув борлигини кўрибди. Соҳиб уни ўқиб: «Эзгуликка эндигина эришай деганингда, сендан йироқ кетганидан хабар топасан»,— деган экан.

Бизнинг давримизда ҳам ажодлар аъёнлари давом этиб келмоқда. Комилжон Жабборов, Фаҳриддин Содиқов, Фанижон Тошматов, Маҳмуджон Мухамедов, Тўхтасин Жалилов, Салоҳиддин Тўхтасинов, Фуломжон Ҳожикулов, Ўлмас Расулов, Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов каби ўнлаб созандалар унинг равнақиға ҳисса қўшдилар.

Ҳар бир давр ўзининг баркамол фарзандлари билан шўхрат қозонади. Айни пайтда созанда деган улўғ номға эга бўлиш учун тинмай меҳнат қилиб, изла-нишлар олиб бораётган ёшлар ҳам кам эмас.

Ёш созандаларнинг мумтоз куйларни се-виб ижро этаётганлари қувонарлидир. Давримиз ёшлари устоз созандаларнинг ижро аъёнларини давом эттиришға муносиб ҳаракат қилмоқдалар.

Маънавиятимиз манбаи бўлган куй-оҳангларнинг сеҳрли уммон эканлигига яна бир бор имон келтираимиз.

Салоҳиддин АЗИЗБОЕВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси
Аънавий ижрочилик
кафедраси доценти



ЙИЛДИ

Бўри Қора уйга етиб келганида ҳам ўзини босолмас эди. Селнинг рафторидан дафъатан қўрқиб кетгани — бир сари, йўлакай одамларга томоша бўлгани бир сари эди: тўхтаб тикилишади-да тойчоқни еб қўйгудек бўлиб. Чиборга хайрихоҳ назар-ла боққанларида ҳам ҳасад йўқ эмаслиги шундоқ билиниб туради. Бўри Қора гўеки бу тонгда тойчоқни ўйнатгани олиб чиқиб қайтишда томоша қилдирмоқчи бўлган каби эдики, шунга-да алами келарди.

Дарвозани кўрган Чибор ўйноқлаб-сапчиб тушди. Бўри Қора уни жаҳл билан қайириб олиб, дарчани тепиб очди-да, кўра энгарагини ҳам оёғида итарди — очди. Ва молни қўйиб юборди. О, чинакамга ўйнаб кетди Чиборбой! Бамисоли асли жойи шу эдию, у эркин кенгликларга шунчаки меҳмон бўлиб боргандек эди. Жониворнинг қорни ҳам дарров очган эканми, искалана бошлади.

Бўри Қоранинг чап қўлида узун хивичи бор, титраб, хўмрайиб тураркан:

— Нимага қочдинг? — деб отчанинг сағрисига тушириб қолди-ку! Жонивор буни кутмагани боис ҳамда зарбнинг зўридан шундоқ майишиб ўтириб қолди. Кейин қуйруқ томонидан жони чиқиб кетгану, уни судраётган каби четга жиларкан, милиция бошлиғининг кўнгли вайрон бўлиб кетди. Отчани папаламоқчи, эркаламоқчи бўлиб олға босганди, отча қўймучига яна бир дарра тушадиган каби майишиб туриб қолди.

— Э, жонивор. Э, тилсиз мол, — деди бошлиқ титраб. Кейин миясида ўша сув бўйидаги манзара айқаш-уйқаш бўлиб айландию, о, фалак, тойчоқни илк бора кўргани — сел-балонинг бўтана тўлқинлари хаёлида намоён бўлди. Кейин тойчоқнинг соҳилга талпинганларини-да эслаб ва қандайдир мулоҳаза юритиб: — Шошма, сен селдан қўрқиб қолганга ўхшайсан-ку? — деб туриб қолди. Сўнг сигарет тутатди. — Йўқ, менга юраксиз от керак эмас. Сен бошқача бўласан ҳали...

Бўри Қора милиция бошлиғи лавозимига кўтарилганидан кейин от-уловни деярли автоуловга алмаштирган эди. Ва унинг қашқа жийронини укаси Носир миниб, фойдаланиб юрарди.

Йўғасам илгари, айниқса, бошлиқ ўринбосари бўлиб юрган маҳалларида жийроннинг эгаридан тушган пайтлари ҳатто кам бўларди. Масалан, олис тоғ қишлоғида бир эркак хотинини уриб, майиб қилади дейлик. Хотин паноҳ истаб милицияга ариза юборди. Ким, қайси мелиса шоввознинг кўзи учиб турибди, дейлик, авжи ёгин-сочин вақтларида бир чўбир отни миниб ёки кажавали мотоциклни (агар ҳайдашни билса) ҳайдаб ўша тоғ қишлоғига боради?! Ўша манзилдаги уй соҳибларию кўни-қўшнини чақириб, савол-жавоб қилади?! Турган-битгани ташвиш бундай юришларнинг. Бўри Қора эса бундан оғир юмушу сафарларга-да, лаббай, деб турарди. Ва қашқанинг тили бўлса айтсин, уни миниб кезмаган гўшаси кам қолган эди.

Энг ташвишли сафарлари — сойларга сел келган ёхуд қалин қор тушган маҳалларга тўғри келарди. Қордан ҳам-ку бир амаллаб ўтар эди, аммо селга қолганда кўп азият чекарди. Соатлаб сойлар бўйида қолиб кетарди. Кейин сел пасайиб, сув саёзлана бошлагач, қашқанинг белига миниб, худди селнинг келишига ҳам шу от сабабчидек сағрисига қамчи ўрамасини устма-уст туширади. От жонивор сапчиб-сапчиб, ҳатто орқа оёқларида кўтарилиб-сақраб сувдан ўтиб оларди.

Бир-икки марта аризани ҳал қилиб, ишни ёпгани боис андак отиб олиб йўлга чиққанида, кўзига сел-пел кўринмасдан жийронни сувга солган, сув отни суриб, ийримга яқин олиб борганда, Бўри Қоранинг эси жойига келиб, дарҳол отдан тушган ва сузиб чиқишни ўйлаган, аммо бунинг уддасидан чиқиш деярли мумкинмаслигига ақли етиб, жониворнинг думига осилиб олган эди.

Қарангки, отингиз зўр бўлса-ю, шундоқ сел бағрида унинг думига ёпишиб олсангиз, насиб этса, сизни соҳилга чиқариб қўяр экан! Ёлига-чи, ёлига осилиб ҳам селдан қутилиб чиқиш мумкин экан... Бўри Қора бу ҳолларни ўз тажрибасида кўрди.

Мана энди денг, уни нима жин урдик, Чибор тойчоқни олиб келган Тўполон селининг рафторидан қўрқиб қолибди экан. Ёки шубҳаланиб қолибди экан...

Йўқ, бу — бўлмаган гап!

Бўри Қора ўзини ҳам селга яна ўргатиб олади: ҳали бакуват у,

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

ҳали кўнгли бўшашиб қолгани йўқ... Шу асно бўлажак тулпорни ҳам селдан қўрқмасликка ўргатади.

Аммо... ҳозир эмас, йўқ-йўқ: ҳозир сув совуқ, шамоллаб-нетиб қолса, бўшаша бошлаган аъзолари илгариги қувватини тиклаб, касалликка қарши курашолмай қолиши мумкин: энди эҳтиёткор бўлмоқ лозим. Демак, кунлар исишини кутади.

Ахир, шоир айтганидай: «Баҳор мангу эмас, уч ойдир, холос».

12

Баҳор аллақачон оёқлаб қолган эди. Ҳадемай ёз бостириб келди. Кунлар исиган сайин Тўполоннинг муздек сувига ҳам илиқлик югурди ва сой хийла саёзланиб ҳам қолди. Бинобарин, от-эшақлар кечувлардан бемалол ўтиб қайтганлари каби ишқибоз отбозлару уларнинг фарзандлари оқшом ва тонг пайтларида отларию тойларини сойга олиб тушиб чўмилтирадиган бўлишди.

Ажабо, одамлар Тўполоннинг бу кўринишидан ҳам завқ олиб қолишга қасд қилгандек, айниқса, кечки пайтлар сойнинг баланд қирғоқларига чиқиб, тошларга тизилишиб ўтиришар ва ўша ойнию ўша юлдузларни, тагин тоғлар бағрида ўчиб ёнаётган сингари кўриниб турадиган чўпон гулханларини томоша қилишар эди.

Афтидан, табиатдан табиий завқ олиш бу ерликлар туйғуларини айни чоғда юмшатиб ва бойитиб борса керакки, бу атрофдагилардан бахшилар ҳам кўп чиқишар, бахши-ку бахши, анчайин чўпон-чўлиғи ҳам белига қистириғлик дўмбирасини тинғиллатиб юрар ёки дарёча бўйидаги қамишлардан кесиб олинган гаровларни сибизгага айлантириб, чўзиб-чўзиб чалишар эди.

Қолаверса, бу ерлардан астойдил шеър ёзувчи шоирлар ҳам чиқиб туришар ва, албатта, катта шаҳарларга кетиб, ғойиб бўлишарди. Тўғри, онда-сонда туғилган тупроқ тортиб келганларида Тўполонни улуғлаб ашёр битишар, шу асно ерга бўлган меҳрлари юз чандон ошиб кетиб, кетар чоғларида жуда ҳам қийин аҳволга тушишарди: дарёю унинг соҳиллари ила тирик жонлар ила хайрлашган каби хўшлашар эди... Одамзод қизиқ жонзот бўлар экан-да!

Алқисса, Тўполоннинг суви илиб, чўмилишга бопти бўлиб қолган палласи ўша замон ҳукуматининг удумига мувофиқ жорий этилиб ва тез орада ўз кучини йўқотиб қўядиган «кампания»лардан бири бошланиб қолди: бу эски урф-одатлар, ирим-сиримларга қарши кураш, пироварди, динни — ўша эскию янги ҳисобланмиш Ислому динини таъқибга олиш авж олдириб юборилди. Энди, инсоф билан айтганда, урф одатлари ирим-сиримлар ҳам, агар таъбиримиз жоиз эса, боши омон қолган ўрмалаб юрувчи махлуқлардан бирига ўхшар экан. Дейлик, унинг думини шартта узиб ташладингиз. Бир ҳафтадан кейин қарабсизки, омон қолган тананинг адоғидан яна дум ўсиб чиқибди... Шунга менгзаш мумкин эди халқнинг қадимий динию урф-одатларига муносабатини.

Айтайлик, алмисокдан қолган бир мачит қайта жиҳозланиб, супуриб-сидирилиб, намозхонлар келиб тиловат қиладиган жойга айлан-тирилибди экан. Буни кузатиб юриб, билиб ва дафъатан бунга қарши бошланган курашга бош бўлган маҳаллий раҳнаомлар ҳам шакшубҳасиз бу масжиди муқаддасни кам деганда ёпиб қўйишади, йўғасам вайрон қилишади. Хўш, шу билан нимага эришадилар? Ҳа, намозхонларни муқаддас жойларидан ҳайдаганлари боис гўёки намозхонликнинг-да олди олинган бўлади. Бироқ бир кун қарабсизки, шу одамлар ўша бузилган масжид орқасидаги эски отхона ёки омборхонага кириб, тагин супуриб-сидириб, бўйралар устидан ёйилган жойнамозларга чўкка тушиб, дунёнинг борди-келдисию бугуню эртасини тилга олиб, айни чоғда ушбу руҳоний бурчларини адо этилишига йўл бермаётган ҳукуматнинг вақт-вақти билан чиқиб турадиган «кампания»ларига ўлим тилаётдилар: ахир, бу боёқишларнинг диний бурчларини адо этишлари ҳеч кимга, на ишга, на давлат топширган вазифалар ижросига зиён етказмас эди.

Фақат уларнинг — мусулмонларнинг руҳи кўтаринки, қалби тозароқ, фикри равшанроқ бўларди, холос. Ва Аллоҳни қайта-қайта таъниш баробарида ўлимдан қўрқиб, демак, ҳаргиз ажални эсга олиб туриш, демак, инсонларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишлари ўз-ўзидан таъминланар эди...

Бундай поклик-тозаллик интилиш ва эзгуликка оқибатли бўлиш ҳисси ҳам анчайин ҳаётий эҳтиёжлар сингари, чунончи, бетоб ётган қариндошнинг ҳолидан хабар олиш, боғ-роғларга яхши парвариш бериш, қуриётган анчайин бир дарахтга ҳам сув қўйиб уни тирилтириш ёки ҳайвонлару паррандаларга мурувватли-раҳмдил бўлиш

ҳисларига ўхшар эканки, бу ҳис-туйғулар, яъни айни руҳий-руҳоний туйғулар ҳарчанд таҳқирланмасин, ҳатто босиб-янчиб қўйилмасин, бир кун келиб ўз-ўзидан ғимирлаб қолар экан...

Ё, раб! Балки инсоннинг инсон сифатида яшаб қолишига илк шарт ҳам шу бўлгандир: яъни, ушбу эҳтиёжни қондириш ҳисси инсоннинг умргузаронлигига табиий ундов — туртки бўлиб келаётгандир?!

Гапнинг бизга — ҳикоямизга тегишли томонига ўтсак, ёз келиб, Тўполонсой айни чўмилишбоп бўлган чоғларда Бўри Қоранинг иши кўпайиб қолди: ҳали денг, фалон мазорнинг атрофини кимдир савоб бўлар деб симтўр билан ўратган экан, демак, уни тўздириб кетарак. Қабристон қандоқ бўлса, шундоқ қолиши лозим: устида дайди от-эшақлар ўтлаб юришибдими, юришаверсин. Қабрларни ўт-ўлан босиб ётибдими — ётаверсин... Ахир, мурдаларни иззатлаш уларнинг ўзини эмас, балки руҳини эслаш ва руҳларини шод этиш ҳисобланадики, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу ҳол Бош руҳ ва илоҳ ҳисобланмиш Аллоҳ таолога ишончни туғдиради ва яна кучайтиради...

Ҳатто қандайдир янги қабр тепасига қадаб қўйилган туғ борми, агар марҳум чорвадор бўлсаю гўр тепасига кўчқор ёки алқор шоҳи ўрнатиб қўйилган бўлса, уни-да олиб ташламоқ лозим: бу ҳоллар ҳам аллақандай ирим-сиримларга ишончни кучайтиради.

Эй, бу ўзбек деган халқ жуда ғалати халқ экан-да: афтидан, то ўзи ўлиб-қирилиб кетмагунча урф-одатларидану дину иймонидан айри тушмас экан.

Бу ҳолнинг исботини Бўри Қора ўз қалбида — қалби тубида ҳис этиб турарди: дейлик, қабр устидаги яловни суғуриб оларкан, қўллари титраб, ранги ўчар, гўёки гўрдан ўрмалаб чиққан қандайдир қоқшол бармоқлар унинг оёғидан торта бошлагандек бўлар ва милиция бошлиғи бу ерни дарҳол тарк этарди.

Ҳа, у ирим-сиримга панжа орасидан қарарди. Аммо бунақа пайтда уни топташга кучи етмай қоларкан кишининг... Ана, Чибор тойчоқни бегона кўзлардан яшириш учун қанча уринди: кўз тегиб қолишидан қўрқди. Илгарилари бунақа кўрқувни деярли ҳис этмаган эди. Қолаверса, ўша тойчоқ туфайли раҳмдиллик ҳам жо бўлди унинг кўнглида... Тагин, ҳайвонга меҳрини айтмайсизми...

Бироқ, биродари азиз, сут билан кирган жон билан чиқар деганларидек, Бўри Қора аслан кўпол, дағал ва шафқатсиз бўлиб қолаверди, қолиб келяпти ҳам...

Аммо ундаги бу каби ўзгаришларни ҳам алоҳида таъкидламай бўлмас: илло, булар унга олам-олам завқ ҳада қилди ва ҳада қилиб келаётган эди, мана қарангки, бу шов-шувли кампания бошланиб, унинг ижрочиларидан бирига айланди-ю, оқшомлари ҳам уйга кам келадиган бўлиб қолди: гап шундаки, кампания муваффақиятли ўтиши ва яхши самаралар бериши учун республика бўйлаб гастролга чиққан Тошкент мусиқали театрининг «Тошболта ошиқ» асари Тўполонсой бўйидаги туманга ҳам етиб келган, туман марказидаги Маданият уйининг саҳнасида ҳар куни уч маҳал намойиш этилар, Бўри Қора эса ўз шотирлари ила бу томошаларга кўз-қулоқ бўлиши лозим эди.

Аммо-лекин томошаталаб эл хўб маза қилиб кўрарди ўша спектаклни: яйраб-яйраб қулишар, чайқалиб-чайқалиб ўтиришар эди. Лекин одамлар унда тасвирланаётган, аниқроғи, кўрсатилаётган қандайдир масжиднинг ёмонотлиқ этилишларига парво қилмас, фақат Тошболта рўлини ижро этаётган Сойиб Хўжаевни томоша қилиш учун ҳам қайта-қайта киришарди бу залга...

Кейинчалик артистлар кўнган меҳмонхона фаррошлари орқали шу гап тарқалдики, нима дейсиз, «мачит қурилишига қарши турган Тошболта... намозини қанда қилмай ўқир экан. Отасига раҳмат. Ҳа, энди динга қарши курашлар бўлаверади-да...»

Спектаклга муносабат бобида Бўри Қора оддий томошабиндан жилла фарқ қилмас эди...

Хўш, Гижингтой-Чиборнинг аҳволи нечук эди? Забун эди, дейиш мумкин. Яъни кўча — хандон, уй — зиндон, деган гап ҳам унинг ҳолатини ифодалаши мумкин.

Носирбойнинг бориға шукур. Бўри Қора учун шундай укали бўлиш ҳам бир омад экан: ахир, ука дегани аканинг гапига қарши бориши ҳам мумкин-ку? Йўқ, Носирда бундай одатлар йўқ, Бўри Қора раҳматли оталари ўрнида ота ҳам бўлиб қолган, илло раҳматли Қорабой ака шундай васият қилган эди Носир кенжага.

Ота васиятини қулоққа олган Носир акасининг гапини ерда қолдириш у ёқда турсин, «ерга туширмасдан» ижро этар эди. Инчунун

акаси давлатнинг жиддий ишлари ила машғул бўлиб кетгач, тойчоқ тарбиясини деярли қўлига олган эди: хўш, Чиборни Тўполонда чўмилтирган ҳам Носир бўлди, уни ҳар кун эмаса-да кунора соҳилдаги яйловда чоптириш ҳам унинг бўйнига тушган эди. Тагин денг, Носирбой иш-юмуш жўнидан ферма мудирининг муовини сифатида йилқичилар хузурига йўл олар экан, анову малла жийронни миниб олгач, Чиборни ҳам етаклаб жўнарди. Яъни тойчоқни отга матаб кўярдики, от чопса той ҳам чопар, тўхтаса тўхтар эди. Бамисоли лўливаччанинг икки гилдиракли аравасига маталган бўлгуси чўбир, яъники, етим тойчоқнинг ўзи эди. Аммо ундан фаркли ўлароқ, бунинг емиши ҳам, суви ҳам, парвариши ҳам батамом бўлакча эди.

Қисқаси, Чибор тойчоқ ўсишда, атроф-муҳитни кўришда, айғирлар жангини томоша қилишда ва ёш-ёш тойчоқлар билан дўстлашиш ва таллашишда ўзига хос камол топмоқда, бироқ... уйига қайтиб келиб, кўрасига киргач, ендан қолар эди: сув ҳам ичмас, чўзилиб ётар ва уй томонга мўлтираб калта-калта кишнар эди.

Баъзан тун яримларда Бўри Қоранинг қадам товуши эшитилиши замон Чибор сапчиб туриб кетар, титраб кишнар, ўйноқлар, эгаси етиб келгач — тавбалар қиласан киши — бу кўпол-дағал одамнинг пинжига бошини суқиб суйкаланар, уни отаси ёки онаси каби билишига-да шубҳа йўқ эди. Аммо Бўри Қора унинг учун ота-онадан ҳам юксакроқ бир пуштипаноҳ, бир куч, бир оҳанрабо эди.

Бўри Қора эндиликда Чиборнинг Носир полвонга ёки Умар сайисга ўрганиб қолишидан жилла хавотир олмас, отидан кўнгли тўқ эди. Шу боис уларга ишониб қўйган, қолаверса, Бўри Қора ирим-сиримга қарши курашаётгани учунми тойчоқнинг кўзикиб қолиши мумкинлигини ёдидан чиқарган, шу сабабли куппа-кундуз кунлари ҳам уйга ҳордиқ чиқаргани келганида, тамаддини кўра қошидаги креслода ўтириб еб-ичиб олгач, Чиборни етаклаб кўчага чиқар ва бемалол Тўполон бўйларигача обориб келарди. Энди у икки ёшга кира бошлаган тойи — дўнани билан фахрланар ҳам эди ва ҳатто уни одамларга кўз-кўз қилишдан ҳам ўзини тия олмас эди. Бу ортиқча ва бефойда даҳмазалар, яъни дину урф-одатларга қарши кураш кампанияси тезроқ поёнига етиб, гўёки «бости-бости» бўлиб кетишини ҳаргиз кутаётгани каби Чибор-Гижингтойнинг ҳам тезроқ каттаришини, тезроқ уни «минги» қилишини орзулар эди.

Ҳа, от деганини минмагунингча отмикан у? Анову «Тошболта ошиқ» томошасидаги қалбаки сахнавий дарахтларга ўхшаш бир нарса — сохта бир сурат бўлиб қолаверади.

О, бунинг белига миниб ва, албатта, «йўрғасини чиқариб», туман марказидан ўтиши... унинг энг олий тахтга миниши билан баробар бўлиб туюларди: ахир, одамлар томоша қилишни орзу этишган отни у миниб юрибди!

13

Бўри Қоранинг динга қарши кураш кампаниясида фаол иштироки ва айрим ташаббуслари унинг пенсияга чиқиш муддатини орқага сурди чоғи, тагин тўққиз ою олти кун амалида турди. У тагин бир муддат амалида туриши мумкин эди, аммо алоҳида маҳбуслар қафасларининг мутасаддиси, яъни энг содиқ шогирди Олчинбой ўша оқшомларнинг бирида бошлиқнинг қизил байроқ ёнидаги суянчиғи баланд курсида сомса еб ўтиргани маҳал кириб ва қош эмас, жун босган қовоқлари остидан бошлиққа тикилиб:

— Устоз, тараддудни кўрасиз энди, — деди.

— Бу нима деганинг?

— Тагингизга сув кепти, устоз. Ижрокўм раисининг шопири қўлимда. Балиқчи чолни босиб кетганини... Ҳа, эшитгансиз. Шу айтиб қолди. Катталар орасида гап бўлган экан. Ё эрта, ё индин хабар келар экан сизга...

Бўри Қоранинг юрагидан совуқ бир нима шувуллаб ўтиб кетди-ю, кейин қандайдир исий бошлади ва шогирди қошидалиги учунми қўлоғига қизариб қулди.

— На чора, — деди кейин сомсани нарига суриб қўйиб. — Хўш, менадан нима тилайсан? Билиб турибман, иним...

— Шу, энди, сиз кетар бўлсангиз... Шу энди "катта"лар амалдан кетар пайтларида шогирдлари учун нимадир қилиб кетишади-ку! Шуни сўрамоқчийдим...

— Терговчилик бўладими?

— Бўлмади. Барибир прокурорга қарам у ...

— Ҳим, прокурорга ўринбосарлик керак, де?

— Шу. Кейин у ёғини ўзим эплаб кетаман. Прокурорнинг "досье"си қўлимда.

— Худонинг газабисан-да... Муроса яхши, иним. Муроса. Аканг муроса қилиб, қирқ беш йилча ишлади. Ўсди, унди. Халқни ранжитмади. Ранжитгандаям кейин кўнглини топди. Келишди... Бу дунё шундан иборат экан. Аттанги, олдин туғилган одам олдин кетгани сингари олдинги амалдор ҳам кейингиларга ўрнини бўшатаркан. Ҳеч нарса абадий эмас экан. — Ўзи учун айтган бу тасаллидан сўнг кўлини узатди. — Чақувни бер-чи.

— Бу чақув эмас. Жиққа факт. Буни ҳамма тасдиқлайди...

Шундан кейин Бўри Қоранинг иши яна кўпайиб қолди. Ўзига яхши таниш, аммо прокурордан ичида нолиб юрадиган ёш-ёш терговчиларни бир-бир чақириб ва ёлғондакам ваъдалар бериб, прокурорнинг барча айбларини бир-бир тасдиқлаиб олди.

Хўш, анову шогирдини кўтариб қўйиш учун шунча кўшиш тортиш шартмиди, деб сўралиши мумкин?!

Жавоб шундай: ҳар қандайин лавозим эгаси ҳам эгардан тушиб, пиёда бўлаётган чоғида жуда ўқиб кетиши баробарида ушбу даргоҳда ўзидан бир ишончли — гапи сўзсиз ўтадиган кимсаси қолишини истайди: токи, ўзи паст амалларда юрганида ҳам олдинги даргоҳда гапи икки бўлмағай. Олчинбой эса кесади...

Бўри Қора буни дафъатан ҳис этганига шубҳа йўқ, албатта. Аммо анову Олчин бола аввалбахор бу тўғрида устозига ўхшатиб шипшиб қўйган, устози ҳам ушбу мулоҳазалар сўнггида ваъдалар берган эди: энди лафзида турмоғи лозим...

Алқисса, тунги соат ўн яримларда Бўри Қора белбоғида «Милиция» деб ёзилган сариқ «Газик» машинасини прокурорнинг янги қурилган темир дарвозаси оғзида тўхтатди. Дарвозани бир-икки марта қоққанидан кейин ҳовлидан овоз эшитилди ва нақ рапидадек юзидан ҳам вино хиди анқиб турган ёш прокурор унинг рўпарасида пайдо бўлди-да, Бўри Қорани кучоқлаб ичкарига тортди.

— Мен сизни отамдай кўраман. Ўзим бу ерларга ётдирман, оға. Хув тоғлар чўққисидан эниб келганман... Тўполонга ўхшаб! — У тинмай гапирар эди. — Тойчоқ қалай? Бизнинг тоғлардан нишона у ... Эшитганмисиз, вақти замонида учар отлар бўлар экан. Хитойлар олиб кетишибди экан. Лекин ўшалардан зот қолган, чоғи...

— Менга қара, ука, — деди Бўри Қора. — Мен уйингга кирмайман. Тоғларингдан эниб келиб, менинг молим бўлиб қолган ўша тойчоқ ем емасдан ётибди ҳозир. Уйга боришим керак.

— Э, ундай бўлса, шу ерда...

— Менга қара, Олчинни биласан-а?

— А, ўл ёвузними?

— Ўшани... муовин қилиб олсанг, сенга овчарка итдек хизмат қилади. Ёлғизлигингни билдирмайди сира. Районни беш қўлдай билади. У ёғини сўрасанг, сенинг ҳам икир-чикирингача билади. Мана шу қоғозга ёзилган. Ўқиб кўр... Кейин, кейин. Хуллас, гапим шу... Энди, уйга бор. Меҳмонларинг бор экан.

— Ҳа, тоғдан келишиб эди.

— Мен ҳам шуни эшитиб, тўғри дарвозангни қоқиб келдим. Бу гапимни қандай тушунсанг, шундай тушун...

— Ҳаракат қиламан, оға.

Унинг қандай ва қай тарзда ҳаракат қилганини ўзи биладию худо билади. Индини кечки пайт Олчинбой кимсан — туман прокурорининг ўринбосари этилиб буйруқ чиқарилди. Илгариги муовин эса «ишни пастдан ўрганиш лозимлиги» баҳонасида Олчинбойнинг ўрнига тайин бўлди. Вассалом.

Кейинги куни Бўри Қоранинг ўзи қайнсинглисига дазмоллатган формасини кийиб ва атай «Москвич»ни миниб, мелисахонага борди. Биров бу ташрифга ҳайрон қолди, биров лоқайд... Хуллас, шу куни пешинга яқин вилоят марказидан юборилган бир ойлик «отчёт»ни «на месте» текшириш учун иккита вакил кириб келдики, бу ташрифнинг маъносини кўпчилик тушунди. Жумладан, Бўри Қора ҳам. Шу боис бутун коллективни хонасига жамлаб олиб, вакилларни жамоага таништирди-да:

— Э, укалар, — деди уларга. — Бизнинг ишдан нуқсон тополмай-сизлар. Топсангизлар, кўшни районлардагига ўхшаш чиқиб қолар балки... Вилоятдаги аҳвол ҳам ўзимизга маълум. У ёғини сўрасангиз, кейинги чорақдаги ишларимиз ҳам жуда самарали бўлди. Район партия комитетининг ёнида туриб, динга ва урф-одатларга берилган қолоқ кишиларга қарши қаттиқ курашдик ва натижаси ёмон бўлмади. Яъни кўрсаткичлар шуни тасдиқлайдики, динни

тарғиб этувчи ҳеч бир... — ва ҳоказолар деди, деди, деди.

Кейин эса: «Келибсизлар энди, бекор кетмайсизлар, албатта. Текширинглар, — деди. — Лекин, укалар, мен сизларга ўзим учун ўта муҳим бўлган бир проблемани айтишим лозим... Хўш, камина шу даргоҳда салкам ярим аср ишлабман экан. Бошқармамиздан менга берилган грамоталар ва нишонлар ҳам шуни тасдиқлайдики, ёмон ишламабмиз. Хўш, буни шу ерда ўтирган қоракўзлар ҳам тасдиқлаши мумкин. Ва район аҳлининг ҳам кўнглини милиция маҳкамасидан қолдирганимиз йўқ. Аксинча, милиция жамоанинг посбони бўлиб келаётир. Шундай ҳоллар ҳам бўлаётирки, район партия комитетининг махсус бўлимлари шуғулланиши лозим бўлган айрим ишларни ҳам биз уддалаб юрибмиз, десак муболаға бўлмас, деб ўйлайман. Хуллас, ишларимиз режадагидек, айтиш мумкинки, рисолада ёзилганидек кечаётибди. Ўйлайманки ва мутлақо ишонаманки, совет милицияси бундан кейин ҳам ўз вазифасини анъанавий йўлда давом эттиради... Энди, ўртоқлар, гап шундан иборатки, партиянинг ишини комсомол, комсомолнинг ишини пионерлар давом эттирганидек, жамиятимизда ажойиб бир эстафета мавжудки, бу ҳол бизнинг соҳага ҳам бевосита тааллуқлидир... Хулласи калом, Дарвин таълимоти ҳам, ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган прогрессив... традиция ҳам шундан иборатки, бу ҳаётга олдин келган киши олдин кетганидек, жамиятнинг бошқарувчи органларини тебратиб келган «казо-казо» раҳнамолар ҳам вақти-соати етганда, хўш, бу даргоҳдан кетиб, қариллик гаштини сурадилар...»

Ана шу узундан-узоқ нутқидан кейин Бўри Қора кителенинг кўкрак киссасидан чиқариб, вакилларнинг олдига қўйди... аризасини. Вакиллар аризани дарҳол олиб кўз югуртира кетишди ва ҳамманинг вужудига ботиний бир енгилланиш зоҳир бўлди.

Аммо сиртларида қалбаки ҳайрат, жиддият ва ҳоказолар. Кейин бу ҳайрату жиддиятлар сўз бўлиб оғизларидан чиқа бошладики, бу даргоҳнинг об-ҳавосидан беҳабар одам: «Бўри Қорани тоза яхши кўришаркан-да! О, Бўри Қора буларнинг отахони экан-ку? Оббо, Бўри Қора амалдан кетса, буларнинг аҳволи забун бўлар экан-да... Пенсияга чиқиб олиб ҳам ишлайвериши мумкин-ку? Оббо, Бўри Қора-е, мунчалик мард бўлмаса бу одам? Қайси шерамард бундай вазифадан ўз ихтиёри билан кетишга рози бўлибди? Эҳ-ҳе, эшикдан ҳайдасанг, тешикдан тушиб келар-ов! Бу ахир, катта амал...» деб кўп-кўп мулоҳазаларга бориши мумкин эди. Ҳа, чет одам шундай ўйларга борар эди.

Бу ердагилар бир неча онлик жиддий қаршиликлардан кейин бир оғиздан айтишдики, «Бу ишни район партия комитетининг раҳбарларисиз амалга ошириб бўлмайди. Уларнинг олдидан ўтмоқ лозим...» дейишди ва райком масъуллари ила вакиллар орасида кўнғироқбозлик бошланди. Оқибат, ижрокўм шофёрининг иқроридан

боҳабар, яъни бу иш — ўзининг ишдан бўшатилиши райкому ижрокўм билан келишилганидан боҳабар Бўри Қора ўрнидан туриб айтди: «Улар розилик беришмаса ҳам, кетаман энди, биродарлар. Мени бошқа ишлар кутмоқда...»

Кейин «бошқа ишлар»ни ҳам андак шарҳлаган бўлди. Чунончи, неvara-чевараларининг тарбиясига эътибор этиш пайти келгани, сўнгра толиққан организмга дам бериши лозим экани: бунинг учун қариянинг ҳаммага маълум ва машҳур овуноғи борки, вақти келганда, ҳурматли вакилларга ҳам кўрсатиш насиб этар... Алқисса, вакиллар аризани Бошқармага олиб кетишларини айтишди. Шунда район прокурори ошқовоқдек юзидаги тиртиксимон кўзларини дўлайтириб айтди:

— Биз кутмагандик бу ҳолни... Мен шахсан кутмагандим, Бўри ака. Хафа бўлиб кетдим. Сизнинг доврўғингизни эшитиб катта бўлганмиз, ахир. Ўртоқлар, шундай обрўли, мулоҳазали, халқсевар арбоб кетаверадим, ахир?

Ҳаммага тушунарли бўлдики, демак, Бўри Қоранинг ҳурматини жойига қўйиб кузатмоқлари лозим...

Бу табиий ҳол эди, албатта. Ва Бўри Қора ҳам куни кеча, айниқса, тонг маҳали тойчоқни эркалаб емини бергач, бошқа майда моллардан ҳам хабар олиб юрар экан: «Қайсини сўйдирсам экан?» деб кўп ўйлади. Бунинг маъноси — ўзининг собиқ бўлғувчи жонажон коллективини уйига чорлаб бир меҳмон қилиш ва шу тариқа улар билан хўшлашиш ва ишларига кўпдан-кўп омадлар тилаш эди, холос.

Аммо, аммоки, Бўри Қора — бемалол айтиш мумкин-е, — ўтган қирқ-қирқ беш йиллар мобайнида бировни чақириб, ўз молидан сўйиб, дастурхонга таом тортмаган эди!

Ҳатто ўғилларининг суннат тўйларида ҳам келган тўёнларни у қилиб-бу қилиб эплаштирган, ва ҳатто, қолган ушоқ молларни шу кечанинг ўзидаёқ тоққа — таниш чўпонлар овулига жўнатиб юборган эди.

Нихоят, ҳар хил таклифлар туша бошлади. Бировлар «ресторан»ни тилга олишди. Бировлар «ошхона»ни. Оқибат, Бўри Қоранинг ўзи туриб айтди: «Уйим маъқул...»

Уй маъқул топилиб, шу ерда келишилди: бир қўю бир серкани харид қилиб, Бўри Қоранинг уйига жўнатадилар. Олчинбой бу юмушларни бўйнига олиш баробарида бир яшик ароқни ҳам ўз ёнидан қўшажагини айта бошлаганда, Бўри Қора ҳар хил мулоҳазаларга бориб, бу даврани тарк этди. Ташқарига чиқиб, бир замонлар ўзи қаздирган ҳовуз бўйидаги мажнунтоллар тагига йўл олди.

(Давоми бор.)

— Мен айтай, сиз эшитинг...





Солиқ санъати

Ўзбекистон ҳукумати ҳар йили икки марта: йил бошида ва йил ўртасида инвестиция даражасидан келиб чиқиб энг кам иш ҳақи миқдорини ўзгартириб келмоқда. Лекин энг паст турмуш даражасини аниқлаш услубияти ҳақида бизда бирор-бир қонуний ҳужжат қабул қилинган эмас. Бундай қонун ва услубиятнинг қабул қилиниши энг паст турмуш даражасини белгилаш, энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни ҳисоблашда асосий мезон бўлар эди. Бу эса энг кам иш ҳақи миқдорини энг паст турмуш даражаси миқдорига яқинлаштириш имконини беради. Энг паст турмуш даражаси миқдори даромад солиғидан озод қилинган бўлиши зарур. Айниқса, кам даромадли аҳоли қатламида бу солиқ босими муайян қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Хорижий мамлакатлар солиқ солиш амалиётида бир шахс ёки бутун оиланинг даромадларини солиққа тортиш усуллари қўлланилади.

Фуқаро тўлов шаклини мустақил равишда танлайди. Оилавий солиқ тўлашда барча оила аъзоларининг йиллик даромадлари: иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, трансферт даромадлари, қимматли қўғозлардан олинган даромадлар ва ҳоказолар ҳисоблангандан сўнг харажатлар чегирилади. Қолган миқдордан имтиёзлар ва қонунда кўзда тутилган турли чегирмалар айрилади.

Ҳосил бўлган даромадга мос солиқ ставкаси қўлланилади. Масалан, Германияда даромад солиғи ўсиб боровчи (прогрессив)дир. Унинг энг кам ставкаси 19%, энг юқориси эса 53% дир. Солиққа тортилмайдиган энг кам даромад миқдори ёлғиз шахслар учун ойига 1536 марка ва оилавий жуфт учун 3072 марка. Шундан сўнг болалар, фавқулодда ҳолатлар (касаллик, бахтсиз ҳодисалар) учун имтиёзлар чегирилади.

Шу ўринда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ солишининг бундай шакли оилалар учун ҳам, солиқ хизмати идоралари учун ҳам қулай бўлса-да, юртимизда жисмоний шахслар даромадларини декларация асосида оилавий солиққа тортиш усули қўлланилмайди ва бу ҳақда мулоҳаза ҳам юритилмаётир. Унинг афзалликларини нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, оила аъзолари томонидан турли даражадаги даромадлар олиниши билан оилавий декларация тақдим этилиши кўп ҳолларда умумий солиқ юқини камайтиради.

Иккинчидан, оила даромадларини солиққа тортиш уй-жой қуриш ва сотиб олишда имтиёзларни қўллашга кенг йўл очади.

Учинчидан, оила даромадларини солиққа тортишда солиқ тўлаш тартиби осонлашади.

Тўртинчидан, оилавий декларациянинг топширилиши солиқ хизмати органларида иш ҳажмини камайтиради, тақдим этилган декларация сони камайтирилади, эълон қилинган даромадларнинг ҳисобланаётган солиқ суммаси назорати осонлашади.

Оилавий даромаддан солиқ тўлаш афзалликлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам эга. Бу, аввало, солиқ йиғиш билан боғлиқдир. Солиққа тортишининг мазкур шакли солиқ хизмати идоралари томонидан ҳуқуқий асосларни чуқурроқ ишлаб чиқишни ва оилавий декларацияларда келтирилган маълумотлар асосида ҳисобланадиган солиқ суммасининг тўғрилигини қаттиқ назорат қилишни талаб қилади.

Баён этилганларнинг барчаси жисмоний шахслар даромадидан солиқ ундириш тартибини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаоллигини оширишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Муҳаммадали АЛИМАРДОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор муносабатларининг шаклланиши, давлат тасарруфида бўлган корхоналарнинг хусусийлаштирилиши ва турли хил мулкчиликка асосланган иқтисодий субъектларнинг вужудга келиши мустақил назорат заруратини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам 1993 йил 9 декабрда илк бор «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилинди. 1994 йилдан бошлаб эса аудиторлик фирмалари ташкил этила бошланди.

Аудиторлик назорати бозор иқтисодининг муҳим унсурларидандир. Бошқарув тизимини зарурий маълумотлар билан таъминлайдиган ушбу янги назорат давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда ўқув юртимиз олдида қўшимча 4110 тага яқин малакали аудиторларни тайёрлаш вазифаси турибди. Ҳозирда корхоналарда аудит ўтказиш олдида турган энг асосий вазифалардан бири аудит текширувларини миллий ва халқаро андозаларга мослаштиришдир. Корхоналар иқтисодий салоҳияти барқарорлигини таъминлашда аудиторлик тафтиш натижаларининг ўрни муҳим.

Фараз қилайлик, давлат назорат ташкилотлари, солиқ инспекторлари томо-

ИҚТИСОД

Тошкент Молия институтидagi таълим жараёни фақатгина маърузалар ва семинарлардан иборат эмас. Хорижликлар ҳам таҳсил оладиган мазкур ўқув даргоҳида тез-тез турли оммавий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтказилади. Бу эса таълим самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



нидан корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолияти ҳақиқий маълумотлар бўйича текширилиб, бюджетга тўланмалар бўйича хато-камчиликлар аниқланса, жарима солинади ва натижада катта миқдордаги жарималар корхона иқтисодий фаолиятига салбий таъсир қилиб, банкрот ҳолатига олиб келади. Аудиторлик тафтишида эса аксинча, хато-камчиликларни тузатиш имконияти бўлади. Текширув натижасига кўра молиявий ҳисоботга ўзгартиришлар киритилиб, кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш имкони мавжуд.

Сифатли, объектив аудиторлик текширишларни ўтказиш аудиторларнинг малакавий даражасига боғлиқ ва унинг ижобий натижасидан корхоналар ҳам, аудиторлар, аудиторлик ташкилотлари ҳам манфаатдор. Ниҳоят, корхоналар ва ташкилотларнинг фойдаси, рентабеллик даражаси ошади. Давлат бюджетига тушадиган тушумлар миқдори ҳам кўтарилади. Шунинг учун ҳам билимли, малакали аудитор мутахассисларни тайёрлаш бизнинг эл-юрт олдидаги бурчимиз эканлигини чин дилдан ҳис қилмоғимиз лозим.

Зайниддин МАМАТОВ,
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси доценти

Молия тили

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши ўзбек тилида янги-янги истилоҳларнинг пайдо бўлиши ва кенг миқёсда қўлланишига сабаб бўлади. Назарий масалаларни ҳал этиш учун иқтисодий истилоҳлар тизими, уларнинг ясаиш қонуниятлари, шаклланиш манбаларини ҳамда умумтилда қўлланиш доираси ва иқтисодий атамашуносликдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқлаш зарур.

Тошкент Молия институти «Ўзбек ва рус тиллари» кафедраси ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида қатор амалий тадбирларни амалга оширмоқда. Аввало, ўзбек ва рус тили фанларидан тайёрланган қўлланма-дарсликларда иқтисодий мавзуларга, сўзларга алоҳида эътибор берилмоқда. Иккинчидан, институтда «Мутахассислик тили» деб номланган янги фан талабаларга ўқитилмоқда. Бу фан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасига киритилди. Зеро, талабалар ўз мутахассисликлари фанлари билан бир қаторда иқтисод тили, унинг таркибий босқичлари, ўзига хос жиҳатлари, иқтисодий атамашунослик, иқтисодий нутқ асослари тўғрисидаги мукамал билимга эга бўлмасдан туриб, ўз фикрини иқтисод соҳасига қўйиладиган талаблар асосида аниқ ва равшан ифода эта олмайди.

Мазкур ўқув курсининг ўқитилиши муайян амалий йўналишга эга бўлиб, талабалар иқтисод тили бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни, ўз соҳасига доир ҳужжатларни тўғри ёзиш малакасини ҳосил қилишини кўзда тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда «Мутахассислик тили» ўқув фанини ўқитишга қуйидаги талаблар қўйилди:

- талабаларнинг мутахассислик тили бўйича тегишли билимларга эга бўлиши;
- талабаларнинг оғзаки нутқини шакллантириш;
- ўз соҳасига доир ҳужжатларни мукамал тузиш малакасини ҳосил этиш.

«Мутахассислик тили» институтда ўқитиладиган фанларнинг бири сифатида иқтисод назарияси, иқтисоднинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳар бир мавзудан сўнг талабаларга назорат саволлари, таянч сўз-иборалар берилади. Талабалар амалий машғулотларда саволларга мос жавобларни тайёрлайдилар. «Мутахассислик тили» фани бевосита иқтисод тили ва атамашуносликка бағишланган бўлиб, дунё андозалари даражасидаги билимдон, зукко, ҳар томонлама етук иқтисодчи кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Нишонбой ҲУСАНОВ,
филология фанлари доктори,
«Ўзбек ва рус тиллари»
кафедраси мудири

ва аудит

Жаҳон модаси: Франция

Бир қарашда ер юзигаги ҳамма аёллар бир-бирига жуда ўхшашдек. Уларнинг қувончлари ҳам, ғамлари ҳам уйқаш. Айтиш мумкинки, кийинишларию юриш-туришлари ҳам айнан бўлмаса-да, бирмунча ўхшайди. Нима бўлганда ҳам, ҳар бир аёл ўзига хос такрорланмас дунё. Ўзига ярашганини кийиш аёлниг дидига, хаёлотига, салоҳиятига боғлиқ.

Биз ушбу саҳифани француз аёлларининг кийиниш маданиятига бағишлар эканмиз, хаёлимиздан Эдит Пиаф, Мирей Матье, Катрин Денёв, Патрисия Касс каби жаҳонга машхур сиймоларни, Ив Сен Лоран, Шанель, Кристиан Диор, Пьер Карден каби мода уйларининг бетакрор либослари-ю хушбўй атир ва упа-элигини ўтказдик.

Франция мода бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Франция аҳолисининг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади. Улар ўртача 82 йил умр кечирадилар. Аёлларнинг 47 фоизи давлат ва жамоат ишларида меҳнат қилишади.

Францияда ҳам оқ ва қора ранглар ҳеч модадан қолмайди. Аёлларимизнинг ўтган аср 70-йилларида кийган либослари бу йил яна урфга қайтмоқда. Тиззадан унча баланд бўлмаган калталикдаги тўғри бичимли кўйлак, юбкалар, бир ёқали калта костюмлар, шимлар аёллар чиройига чирой кўшиши шубҳасиз. Бундай либослар аёлларни янада хушбичим кўрсатади.

Дарҳақиқат, француз аёллари ип-газлама, табиий шойи каби матолардан тайёрланган либосларни ёқтиришади.



Quyosh qanday paydo bo'lgan?

(Avstraliya ertagi)

Qadim-qadim zamonda odamlar quyoshning nimaligi, uning qanaqaligini bilishmasdi. Chunki quyoshning o'zi yo'q edi-da. Kunduzi ham, kechasi ham oyva yulduzlar yerga bir tekis nur sochib turishardi. Va odamlar yaxshi bilishardiki, yulduzlar — bu bulutlar orasida yashovchi bahodirlarning ko'zi, oy esa ularning ichidagi eng kattasi, osmonlar egasi edi. Aytish kerakki, o'sha uzoq yillarda odamlarda na o'q, na kamon bor edi, hayvonlar ham, qushlar ham ulardan hech qo'rqishmasdi. Tojdor kakada va rang-barang to'tiqushlar ko'm-ko'k o'tloqlarda sho'xlik qilishardi, daryoda oqqushlar suv sachratib o'ynashar, uzun dumli kenguru bolalari bilan hech narsadan qo'rqmasdan odamlar yashovchi qamish chaylalar yoniga kelishardi. Biron jonivor na vahshiy bo'ridan, na yovvoyi itdan qo'rqishni xayoliga ham keltirmasdi. Shunday bo'lsa-da, har zamonda hayvonlar o'zaro urushib turishardi.

Kunlardan bir kuni turna va uzunoyoq qush emu qiyalik bo'ylab aylanishga chiqishdi. Emuning oyoqlari turmanikidan ikki baravar uzunligi hammaga yaxshi ma'lum. Shunga ko'ra, turna ixtiyorsiz ravishda orqada qola boshladi va bu hol uni qattiq xafa qildi.

— Og'ayni, bunchalar tez chopma! — qichqirdi turna.

Emu hech narsa demadi: u ohista yurishga har qancha urinsa-da, uzun oyoqlarini hech boshqarolmasdi. U oyoqlariga "To'xtanglar!" derdi. Oyoqlari esa unga bo'ysunmay, tinmasdan shamol tezligida yugurishardi.

Shunda turna juda qattiq g'azablandi va do'stini haqoratlay boshladi. Emu bunga chiday olmadi va o'girilib, turnaga o'zining toshday qattiq tumshug'i bilan zarb tushirdi. Turnaning qochishdan bo'lak iloji qolmadi. Ammo u bu dilsiyohlikni unutmadi. U emuning iniga borib, qushning ulkan tuxumlaridan birini oldi hamda kuchi boricha uni yuqoriga qarab irg'itdi.

Tuxum to'g'ri osmonga uchdi va mehnatsevar osmon bahodirlari yig'ib qo'ygan quruq shox-shabbalar to'dasi ustiga tushdi. Tuxum yorilib, uning cho'g'dek qizib turgan sarig'i oqib ketdi va o'tinlar bir lahzada lovullab yona boshladi. Xuddi shu damda hammayoq yop-yorug' bo'lib ketdi. G'ayritabiiy bunday holdan odamlar ham, hayvonlar ham ko'r bo'lib qolishiga bir bahya qoldi, osmon egasi esa uyg'onib ketdi.

U yerga tikilgan xursand bo'lib ketdi: yer quyosh yorug'ida yanada go'zallashib, chiroy ochgandi!

— Mana bu mening ko'nglimdagi ish! — qichqirdi bahodir. — Har doim ana shunday bo'lsin!

U osmon gulxanini tomosha qilib zavqlana boshladi. Kun mobaynida gulxan lovullab turdi, kechga borib esa batamom so'ndi. Faqat qizil cho'g'lar bulutlar orasida bazo'r yonardi. Keyin ular ham kul bilan qoplanib qoldi. Bahodir qo'rqib ketdi:

— Ish pachava! Agar hamma cho'g'lar so'nib qolsa, erta tongda qanday qilib gulxan yoqamiz?

U ehtiyotkorlik bilan bitta cho'g'ni oldi va uni qora bulut bilan o'rab qo'ydi. Ana shunda yerni tun qorong'usi qopladi va odamlar uxlab qolishdi.

Ammo bahodir uyqu haqida o'ylamasdi.

— Qani yordamchilar, ishga! — buyruq berdi bahodir — oy. Xuddi shu lahzada osmonda minglab yulduzlar yondi. Bu kichik bahodirlarning unga javobi edi.

Ular tuni bilan quruq shox-shabbalarni terib chiqishdi. Kichik to'da tog'day bo'lganida osmon egasi unga bekitib qo'yilgan cho'g'ni tashladi va ukalari bilan birgalikda "puf"lab gulxan yoqa boshladi. Shu sabab yerda tong shamoli esdi. Cho'g' esa tobora qizarib bordi. Nihoyat, u yanada yulqinlandi va shox-shabbalar gurillab yona boshladi.

Odamlar uyg'onishdi va osmonga qarab:

— Qaranglar, osmonda yana quyosh yonyapti! — deyishdi.

So'ng ular yana shiddat bilan kundalik yumushlariga sho'ng'ib ketishdi.

Shundan buyon har tunda mehnatsevar bahodirlar o'zlarining oq yuzli xo'jalari bilan osmonni kezib, quruq shox-shabba terishadi, har tongda gulxan — quyoshni puf lab yoqishadi. Ammo bahodir — oy har tun kichik

cho'g'ni bekitishni va uni qora bulutga o'rab qo'yishni unutmaydi. Odamlar kechasi bemalol hordiq chiqarib, tongda o'z vaqtida ishga borishlari uchun bahodir xo'rozga har saharda ularni uyg'otishni buyuribdi. Xo'roz esa o'zining vazifasini juda yaxshi biladi.

Har kuni tong saharda, Sharq endigina oqarayotgan chog'da u tom ustiga chiqadida, qanotlarini qoqqancha qichqiradi:

— Qu-qa-qu! Qa-qu! Odamlar uyg'oninglar! Quvnoq quyosh chiqmoqda!

Qani aytinglar-chi, u nega quvonmasin, nega kulmasin, axir quyosh hammamizga yorug'lik, issiqlik va hayot keltiradi-ku! To'g'ri emasmi, bolajonlar?!

Husan NABIYEV tarjimasida

Suratni Temur SALOHOV chizgan





XXI аср бошларига келиб инсон ва табиат муносабатлари глобал муаммолар ва зиддиятлар қуршовида қолди. Инсоннинг табиат ресурсларига кўр-кўрона ва хўжасизларча ёндашуви талай зиддиятларни келтириб чиқарди. Табиий мувозанатнинг бузилиши ва ўсимлик дунёсининг қашшоқлашуви ҳам инсон фаолиятининг салбий ҳосиласидир.

Илмий техника тараққиёти туфайли яшил бойлигимиз — дунё ўрмонлари майдони кескин қисқариб бормоқда. Бундан бир ярим минг йил муқаддам ўрмонлар Ер куррасининг 47 фоиз майдонини эгаллаган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 27 фоизга тушиб қолди. Маълумотларга кўра дунё ўрмонлари майдони ҳар йили кам деганда 25 миллион гектарга ёки 0,5 фоизга

ҳисобда 1-2,6 миллиард тонна углерод қўшилмоқда.

Инсон ҳаётида наботот дунёсининг ўрни муҳим эканлиги инobatга олинса, инсоният учун бу жуда катта йўқотишдир. Олимларнинг ҳисоблашларича, сайёрамизда тирик моддалар умумий оғирлигининг 99 фоизини ўсимлик дунёси ташкил қилади. Наботот олами тирик организмлар учун чинакам озуқа манбаидир. Жаҳонда маданий ҳолда ўстирилаётган барча ўсимликлар органик моддаларга айланган 6 миллиард тоннага яқин карбон берса, тундра зоналаридаги ўсимликлар дунёси 9 миллиард биологик маҳсулот беради. Ўсимликлар фотосинтез ёрдамида ҳаводаги карбонат ангидридни сингдириб олиб, ўрнига ҳаётбахш кислород ажратадиган «мўъжиза»дир. Аниқ ҳисоб-ки-тобларга кўра, дунёдаги жамики ўсимлик-



Наботот олами таҳдидлар қаршисига



қисқармоқда. Кейинги 40 йил мобайнида тропик ўрмонларнинг майдони 2 баробарга камайган. Тропик минтақада 16-20 миллион гектар майдондаги ўрмонлар кесилмоқда. АҚШнинг «Дискавери» коинот кема-сидан олинган сурат-маълумотларга кўра, биргина 1988 йилда Амазония минтақасида 13 миллион гектар майдондаги ўрмон қирқиш ва ўт тушиши натижасида йўқ бўлган. Манбаларда қайд этилишича, дунё бўйича ҳар дақиқада 34 гектар ўрмон йўқ қилинмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Лотин Америкаси ва Осиё сернам тропик ўрмонларининг 40 фоизини, Африка 50 фоизини йўқотди. Олимлар асримиз ўрталарига бориб бу ўрмонлар тўлиқ йўқ бўлишини таъкидлашмоқда.

Дунё ўрмонлари майдонининг кескин қисқариб бориши турли сабабларга бориб тақалади. Биринчи сабаб инсониятнинг ёғочга бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бораётганидир. 2000 йилда дунёда тайёрланган ёғоч миқдори 5 миллиард куб метрга етди. Бу рақам инсоният «иштаҳаси» тобора очилиб бораётганидан далолат беради. Яшиллик ва кислород манбаи бўлмиш ўрмонлар майдони ёнгинлар натижасида ҳам қисқариб бормоқда. Статистик маълумотлар ўрмон ёнгинларининг 97 фоизига одамлар айбдор эканлигини тасдиқлайди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили ёнгинлар натижасида атмосферага ўртача

лар йилига 180-250 миллиард тонна карбонат ангидрид ютиб, 150-200 миллиард тонна кислород ажратади. Ҳозирги пайтда тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг 40 фоиздан зиёди ўсимликлардан олинади. Бундан ташқари ўрмонлар атроф-муҳитни, иқлимни мўътадиллаштириб турувчи табиатнинг ноёб жонли қисмидир. Улар она заминимизни турли табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалардан ҳимоя қилувчи ўзига хос қалқон вазифасини ҳам ўтайди.

Инсон эҳтиёжларини нечоғлик қондирмасин, ўсимлик дунёси барибир таҳдидлар қаршисида қолиб кетмоқда. БМТнинг маълумотига кўра, 250 минг хил ўсимлик тури тамомила йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Ўсимлик дунёсига «панжа ортидан» қараш турли салбий оқибатларга олиб келади. Сўнгги 300 йил ичида АҚШда 141 миллион гектар майдондаги ўрмонни режасиз кесиш туфайли 114 миллион гектар ер эрозияга учраган.

Инсоният цивилизацияси тараққиёт пиллапояларидан кўтарила бораркан, тангри инъом этмиш табиат бойликларини ҳам асраб-авайлаши шарт. Зеро бугунги инсон зиммасида келгуси авлодлар олдидаги масъуллик юки бор. Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Шухрат ОРИФ
тайёрлади



Бухоронинг биродарлари

Ўзбекистон шаҳарлари жаҳоннинг барча қитъалари кентлари билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаш йулини тутмоқда. Бу ўринда Тошкент ва Сизтл, Самарқанд ва Лион тажрибаси жуда муҳим аҳамият касб этади. Йигирма беш асрлик қадимий ва навқирон Бухоро бугунги кунда хориждаги ўн уч шаҳар — Санта-Фе (АҚШ), Бонн (Германия), Руаль-Мальмезон (Франция), Кордова (Испания), Малайя (Туркия), Слупск ва Краков (Польша), Холстебро (Дания), Орехово-Зуево, Саранск, Братск (Россия), Чоржўй (Туркменистон) билан биродарлашгандир. Ушбу ҳаракат бу шаҳарлар аҳолисининг дил амри билан вужудга келди.

Бухорода 2000 йилнинг ноябрида «Биродарлашган шаҳарлар» жамияти ташкил этилди. Унинг асосий мақсади халқаро ижтимоий-иқтисодий ва маърифий-маданий алоқаларни ривожлантириш, давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдир. Ташкилот Биродарлашган шаҳарлар Бутунжаҳон Федерацияси ҳамда Маҳаллий ҳокимиятлар Халқаро Иттифоқининг аъзосидир. Жамият, шунингдек, Европа Маҳаллий ва минтақавий ҳокимиятлар Конгресси ҳамда Европа Муниципалитетлар ва минтақалар Кенгаши билан доимий ҳамкорлик қилмоқда, Европа Иттифоқининг ТАСИС дастурини амалга оширишда қатнашмоқда. Хўш, бу ҳаракатнинг самараси қандай?

Табиийки, бугунги кунда ҳаракатнинг асосий вазифаси чинакам халқлар дўстлиги асосида маънавий эҳтиёжларни қондиришдир. Ҳаракатнинг самарадорлиги аниқ тадбирлар ва уларнинг таъсири билан ўлчанади. Масалан, 2001 йилда Руаль-Мальмезон мутахассислари билан ҳамкорликда Бухоро шаҳрида ичимлик суви сифатини яхшилаш ва аҳолига етказишни такомиллаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда — ушбу тадбирга Испаниянинг Кордова банкдан имтиёзли кредит олинди. Холстебро маъмурияти шаҳар коммунал соҳаси раҳбар ва ходимлар малакасини оширишда фаол қатнаш-

ривожлантириш ва куруқ мевалар билан савдо қилишда кўмаклашмоқда. Чоржўй хунармандлари маҳаллий кўргазмаларга ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Бонн мэрияси гипс-график комбинати жиҳозларини янгилаш ва замонавий технологияларни қиритишга ёрдам бермоқда. Орехово-Зуевода «Бухоро» савдо уйи очилди. Бу ишларда биродарлашув ҳаракати иқтисодни қандай қамраб олаётгани кўриниб турибди.

1999 йилда Руаль-Мальмезонда ва 2000 йилда Боннда «Бухоро маданияти кунлари» ўтказилди. Унда машҳур «Шашмақом» вокал гуруҳи, «Бухороча» рақс дастаси, «Гийёҳ» эстрада ансамбли, «Ситора» фотостудияси, «Хунарманд» ижодий уюшмаси миллий санъатимизни хориж аҳлига намоён этдилар. Таниқли санъаткорлар ўзбек халқининг бой маданий мероси ва янги ижодиётдан намуналар кўрсатишди — хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритилган бу воқеалар маънавий-маърифий ҳаётда сезиларли из қолдирди. Ўз навбатида шариф шахримизда машҳур «Шубертбунд» немис хори гастроллари ва француз «Тарихий жамият»и фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, Бухородаги 4-сон ўрта

ван Бетховен гимназияси ва Германия — Ўзбекистон Дўстлик жамияти, 29-сон мактабга эса Ўзбекистондаги Франция элчихонаси дарсликлар тухфа қилдилар. Шаҳарда Шарль де Голлнинг 110 йиллиги ва Иоганн Гётенинг 200 йиллиги кенг нишонланди. Бухорода вилоят жамоатчилиги ташкил этган «Навқирон Бухоро» гуманитар тадқиқотлар маркази ташаббуси билан ва АҚШ, Германия, Франция, Испания, Дания хайрия ташкилотлари ҳомийлигида хорижий адабиётлар илмий-ўқув кутубхонаси ташкил этилмоқда. Ўз навбатида мазкур марказ ташаббуси билан Санта-Фе, Руаль-Мальмезон, Бонн, Кордова кутубхоналарига Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби кўплаб ўзбек адиблари асарлари совға қилинди. 2002 йил март ойида шаҳарда «Навқирон Бухоро» иккинчи очик интернет-фестивали ўтказилди.

Булардан кўзланган асосий мақсад хорижий элларни мустақил Ўзбекистондаги тарихий янгиланишлар билан янада яхшироқ таништиришдир.

Қахрамон ТУРСУНОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат»
маркази Бухоро шаҳар бўлими мудири

“Гулистон” шифохонаси

Қовуқда тоати бўлганда...

Бу касаллик турли хил тузларнинг қовуқда йиғилиб қолишидан пайдо бўлади. Кейинчалик бу тошларнинг йиғилиши натижасида пешоб йўли тўсилиб қолиши ҳам мумкин.

Бу хасталикни даволашда турли хил ўсимликлардан фойдаланиш тавсия этилади. Халқ таъбаотида ошқовоқнинг хом эти пешоб ҳайдашда ва қовуқдаги тошни туширишда, қовуқ фаолиятини яхшилашда ишлатилиб келинган. Ошқовоқ таркибида қанд, пектин, кальций, маъний тузлари, темир, С, В, В₁, РР витаминлари ва бошқа моддалар, органик кислоталар мавжуд.

Қовуқдаги тошни туширишда ошқовоқ этини майдалаб, ҳар куни оч қоринга 3-4 маҳал истеъмол қилиш ҳам фойдали. Маккажўхорининг попугидан тайёрланган дамлама ҳам қовуқдаги тошни майдалаб тушириш хусусиятига эга. 2-4 ош қошиқ попуқ кукунига 1,5 стакан сув солиб, 30 дақиқа қайнатилади. Шу қайнатмадан ҳар куни бир марта 1-3 қошиқдан ичилади.

Иби Сино ўзининг «Китоб ал-қонун фит-тиб» асарида қовунининг шифобахшлик хосиятлари ҳақида тўхталиб, салқин жойда қуритилган қовун

пўчоғининг дамламаси буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаш хусусиятига эга эканлигини баён этган. Шу билан бир қаторда паришонхотирлик, диққинафаслик, бод, беланги, сил, камқонлик, турли буйрак ва жигар касалликларини даволашда ҳам унинг фойдаси борлигини маълум қилган. Даволаш мақсадларида ишлатиладиган қовун дориланмаган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Халқ таъбаотида бўтакўзнинг тилсимон гулидан тайёрланган дамлама қовуқ касалликларида, қорин оғриғида ичирилади. У пешоб ҳайдовчи, терлатувчи восита сифатида ҳам ишлатилади. Унинг майдаланган тилсимон гулидан бир чой қошиқ олиб бир стакан қайноқ сувга солинади ва бир соат дамлаб кўйилади. Сўнгра у донадан ўтказилиб, ҳар куни уч маҳал овқатланишдан 15-20 дақиқа олдин чорак стакандан ичилади.

Буйрак ва қовуқдаги тошларни тушириш учун шафтоли, қовун ва турп уруғларидан 24 грамм олиб туйилади ва унга 16 грамм асал, 20 грамм шакар қўшиб қоришма тайёрланади. Мазкур қоришмани ҳар куни наҳорда истеъмол қилиш тавсия этилади. Бундан ташқари, нўхатни эзиб, аччиқ қилиб дамлаб ичилса ҳам қовуқдаги тошларни туширишга ёрдам беради.

ЛАБ НЕГА ЁРИЛАДИ?

Лабнинг нозик пўсти тез жароҳатланувчан бўлади. Шунинг учун лабни (айниқса, совуқ кунларда) ялайверадиган, ручка учларини тишлашга одатланган кишиларнинг лаби кўпинча ёрилиб юради. Чекувчиларда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин.

Аччиққа ружу қўйган, шунингдек, овқатни ҳаддан ташқари иссиқ истеъмол қиладиганларнинг ҳам лаби ташқи таъсирга тез берилувчан бўлади. Организмда айрим витаминлар, жумладан, А ва В дармондори етишмаслигидан ҳам лаб ёрилади.

Лаб бўёғи, юзга суртиладиган мойлар ва тиш пастасидан ҳам баъзи хотин-қизлар азият чекадилар. Шунинг учун лаб бироз шишса, майда-майда пуфакчалар пайдо бўлса, зудлик билан ўша нарсадан фойдаланишни тўхтатинг. Акс ҳолда, газак кучайиб кетиб, жиддий даволанишга тўғри келади.

Лабни қурушқоқ бўлган кишилар ўрдак мойи ёки махсус гигиена помадаси суртиб юришлари керак. Бундай помада таркибида витамин, ўсимлик мойлари бўлиб, лабни юмшоқ тутати ва шамол таъсиридан асрайди.

Лаб пўстини мулойим қилувчи суртмаларни ҳар кимнинг ўзи тайёрлаши мумкин. Бунинг учун бир чой қошиқ гигиеник вазелинга салкам шунча (тўртдан уч қисм) канақунжут (касторка) мойи қўшилади. Бундай қоришма кунига 2-3 маҳал лабга суртиб турилади.

Совуқ тез таъсир этувчи ва доим очиқ ҳавода ишловчи кишилар лабни парварош қилишга эҳтиёж сезадилар. Бундай одамлар А ва В гуруҳига мансуб витаминли таомларни етарлича истеъмол қилиб туришлари керак. Улар сариёғ, сут ва сутли маҳсулотларда, айтиқса, мўл бўлади. Тухум, қора нон, петрушкада ҳам бу витаминлар бор.

Айтилган даволаш усуллари қор қилмай, лаб пўсти ёрилишда давом этаверса, шифокорга муурожаат қилиш керак. Шифокор ёрилиш сабабини аниқлаб, зарур бўлган даволаш воситаларини буюради.

Биласизми?

БУҚРОТ МАСЛАҲАТИ

Қадимият мутафаккири Букрот Ҳаким (Гиппократ) бундан 2500 йил муқаддам қовоқ уруғи ва хом гўшт истеъмол қилишни ичакларни тозалашнинг энг яхши усулларида бири деб таърифлаган. Аммо бизда нимагадир қовоқни хомлигича ейишмайди. Қовоқнинг хомлигича истеъмол қиладиганимиз бодринг, карам, редиска ва бошқа сабзавотлардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Тозаланган қовоқ ва сабзини қирғичдан ўтказиб, устига қаймоқ солиб бемалол истеъмол қилиш мумкин.

КАШТАНЛИ НОН

Машҳур лашкарбоши Наполеоннинг юрти сифатида машҳур бўлган Корсика оролида каштан ўрмонлари жуда кўп. Шунинг учун бу ерда каштан нонлари кенг тарқалган. Каштан меваларидан янчиб олинган ун бугдой унидан ҳеч қолишмайди. Ороликлар бу ундан нафақат нон, балки ажойиб ширинликлар ҳам пиширадилар.

ҚўЛ ПАРВАРИШИ

Баъзи кишиларнинг қўллари муздек, совуқ бўлади ва кўп терлайди. Бундай пайтда аччиқтош эритмасидан уч ош қошиқ олиб, бир литр сувга солинади ва 32°-37° даражагача иситиб, қўлга ванна қилинади (шу сувга қўлни солиб ўтирилади). Агар қўл кафти қизиса ва қўл терласа, аксинча бир литр сувга икки чой қошиқ борат кислота қўшиб, сувни -2° даражагача совутиб, (музлатгичда совутиш мумкин) 10-15 минут давомида қўлга ванна қилиш керак. Бундан ташқари бир литрига бир чой қошиқ нашатир спирти қўшилган сув билан ҳам қўлни ювиш мумкин. Қўлга хина қўйиш ҳам яхши. Хина ўсимлиги таркибидаги танин тер безлари ковакларини торайтириб, қўл терлашни камайтиради. Шунинг учун хинани қўлнинг кўп терлайдиган ерларига — кафт ва панжа ораларига қўйиб туриш лозим.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

МУАММОНОМА							Осиёдаги давлат. Хайвон. Қуш.	Аланга, Волида, Ширинлик. Нон тури.	Темир "одам", А.Попов ихти- роси. "Шоҳнома" қаҳрамони.	Футболчи. Йиртқич. Нога.	Тропик ўсимлик. Сағх ўлчови. Қобилият.	Рангли металл. Озор.	Манзарали гул.	Физик асбоб. Рост.	Болгария шаҳри.	Нога. Тикув анжони. Ёлғиз.										
→	1	6	9	—																						
4	1	2	5	7	1																					
8	1	9	5	3	5																					
3	5	9																								
Вилоят. Пойтахт.																										
Судралувчи жонивор.																										
Пайт. Россия вилояти.																										
Шов-шув, хабар.										2																
Ўқ қисми.														3												
Юнон ҳарфи.																										
Пойабзал қисми.													4			5										
Паррада. Меҳнат.																										
Шотланд олими.																										
Мерган жойи. ...мий.																										
Маҳсулот улуши.																										
Изла. Борловчи.							6																			
Тутқун. Вулқон.																										
Иш жонивори.																										
...Ҳақим.																										
Сув йўли.																										
Ёғду, зиё.										7																
Қуш. Кўклам учқичи.																8										
Кўркам маскан.																										
Шифобахш мева.									9																	



ЎЗБЕК И С Т О Н
Б О К С

Федерацияси



Баҳзод ХИДИРОВ —
Осиё чемпиони.



Бахит САРСИКБАЕВ —
Осиё чемпиони.



Икром БЕРДИЕВ —
Осиё чемпиони.



Рустам САИДОВ —
Сидней олимпиадаси
совриндори.



Ўткирбек ХАЙДАРОВ —
Жаҳон чемпиони.

*Ўзбек бокси мамлакатимиз
 шарафига шу қадар катта ҳисса
 қўриганки, бугун биз фахр билан
 ўнлаб Осиё ва Жаҳон чемпион-
 лари ҳамда Олимпиада ўйинлари
 ғолибларини бу ёзув портининг
 фарзандлари деймиз.*

Қандай қилиб соғлиқ ва ёшликни сақлаш мумкин?

(Давоми)

5-ҚОИДА. ОЧЛИК

Очлик даволашнинг энг қадим усулларидан биридир. Ҳафтада бир маротаба 24 ёки 36 соатлик даволовчи очликни амалга оширишингизни маслаҳат берамиз. Унда сиз фақат 2-2,5 литр қайнатилган сув ичишингиз, аммо зинҳор бирон-бир овқат ёнги шарбатлар истеъмол қилмаслигингиз керак. Оч юргангизнинг эртаси куни тонгда энгилроқ таом истеъмол қилганингиз маъқул. Шу йўл билан ўз танангизни энгиллаштирасиз ва доимо қадди-қоматингиз чиройли бўлади.

Лекин ҳаммага ҳам бундай овқатланиш тартиби мос тушавермайди, баъзи касалликларда бу ҳатто таъқиқланади. Шунинг учун очликни фақат шарбат ичиш йўли билан амалга оширсан ҳам бўлади.

Даволовчи очлик ва парҳезни бир ой мобайнида 2-3 марта ўтказиш мумкин. Агар имкони бўлса, дам олиш кунлари шундай қилсангиз, ўзингизни турли юмушлар билан қийнаб қўймайсиз.

6-ҚОИДА. ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

ҲАРАКАТ — бу ҳаёт, турғунлик эса фожиа. Ҳаракатсизлик кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Агар сиз ички ва ташқи мускулларни аяб кам ҳаракат қилдирсангиз, эвазига топганингиз бўшлиқ ва ланжлик бўлади. Бу эса кўплаб ёмон оқибатларга олиб келади, ички аъзоларингизнинг касалланиш эҳтимоли кучаяди.

Ҳар кунги машқлар энг кучли мустаҳкамловчи воситадир. Улар қон айланишини яхшилади, танангиз тинчланиб, ақл пешланади.

Соғ тан — соғ ақл борасидаги маслаҳатларимиз эса қуйидагича:

1. Йил давомида ҳар қандай об-ҳавода пиёда сайр қилинг. Пиёда

сайр қилиш танангизга фаоллик бахш этади ва киши саломатлиги учун энг фойдали машқлардан биридир. Лекин бу сайр сизга малол келмаслиги керак, шунинг учун унинг масофасини ва вақтини ўзингиз белгиланг (бир кунда 3-4 км. бўлиши керак). Агар жуда банд бўлсангиз, ишга кетаётиб ва қайтаётиб транспортдан камроқ фойдаланинг, кўпроқ пиёда юринг.

2. Ҳар куни 20 дақиқалик бадантарбия билан шуғулланинг. Бунда орқа, бел, кўкрак ва қорин мускуллари ривожланади. Сиз бу билан ўпка, жигар, юрак, ошқозон ва буйрақларингизнинг яхшироқ ишлашига ёрдам берасиз. Ёдингизда тутинг, жисмоний машқлар ички аъзоларингизни массаж қилади, яъни уқалайди. Бадантарбияни эрталаб ё кечқурун (уйкуга ётишдан олдин эмас) бажариш мумкин.

3. Спорт билан шуғулланинг. Ҳамма спорт турлари яхши, аммо энг фойдалилари сузиш, велосипед ҳайдаш, гимнастика (аэробика) рақсларидир. Агар сув ҳавзаси, машғулот хонаси ёки шейпингга қатнашиш имконияти бўлса, ундан ҳам соз.

4. Қадди-қоматингизни қандай тутишингизга эътибор беринг. Ўтирганингизда умуртқа поғонаси тўғрими, қорин бўшлиғи осилиб қолмагани, елкалар орқага тортилгани, бош мағрур кўтарилганлигига диққатингизни қаратинг. Қўлларни букиш ва тиззага қўйиш мумкин. Юрганда қадамларингизни кўкрак чизигига тенглаштиринг. Шундай йўл билан қадди-қоматингизни тўғрилайсиз ва ўз-ўзидан касалланган аъзолар шифо топади.

Ҳеч қачон оёқларингизни чалиштирманг. Тиззалар остида иккита катта артериялар ўтган бўлиб, улар тизза пасти мускуллари ва оёқдаги минглаб асаб тўқималарини қон билан таъминлайди. Оёқларингизни бир-бирининг устига қўяркансиз, ўша заҳоти қон айланишини бузасиз, оёқлар мувозанати издан чиқади, умуртқа поғонаси, бош тутишингиз ўзгаради. Булар эса кўплаб сурункали касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

(Давоми келгуси сонларда.)

Қўлингиз

☺☺☺

Машҳур немис актёри Девриент Шекспирнинг «Қирол Ричард III» трагедиясида қирол ролини ижро этарди. «От! От! Отга ярим қироллигимни алмаштираман!» деган машҳур луқмасидан сўнг залдан товуш эшитилди:

— Эшак бўлмайдими?

— Бўлади, келинг тезроқ! — жавоб қайтарди Девриент.

☺☺☺

Эрнест Хемингуэй овга жуда ишқибоз экан. Кунлардан бир куни у ов саргузаштларидан гапириб бераётганда тингловчилардан бири сўраб қолибди:

— Айтишларича, агар одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, унга ёввойи хайвонлар ҳужум қилмас экан. Шу тўғрими?

— Бу машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — деб жавоб берибди машҳур ёзувчи.

☺☺☺

Француз мутафаккири Монтен шундай деган экан:

— Менимча, дунёда энг тўғри тақсимланган нарса — ақл!

— Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Чунки шу маҳалгача ҳали ҳеч ким ақли камлигидан нолимаган.

☺☺☺

Хайнрих Хайнедан сўрашибди:

— Сиз қандай қилиб машҳур шоир бўлдингиз-у, амакингиз банкир бўлди?

— Болалигимда онам кўпроқ шеър ўқиб берарди. Амакининг онаси эса унга кўпроқ қароқчилар ҳақидаги эртақлардан ўқиб берган экан.

☺☺☺

Бернард Шоудан сўрашибди:

— Сиз қандай қилиб ҳозиржавоблик билан ақли гапларни топасиз?

— Э, бундан осон нарса йўқ, — дея жавоб берибди машҳур ёзувчи, — бемаъни нарсаларни хаёлимдан ўтказаман-да, кейин тескарисини айтаман.

☺☺☺

Машҳур итальян композитори Россинига ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлишганда у ўттиз ёшда эди.

Шаҳар маъмурияти буни билдириб қўйиш учун унинг олдига вакил юборди.

— Ёдгорлик қанчага тушаркин? — деб сўради ёш санъаткор.

— Уч юз минг лира.

— Нима? Уч юз минг лира? — дея хитоб қилди Россини. — Ўша пулни ўзимга бера қолсанглар-чи? Мен бунинг эвазига Римнинг марказий кўчасида кунига бир неча соат типпа-тик туриб бераман.

Унутманг!
Суюкли
журналингиз
“GOLISTON”га обуна
ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806

«Дум»



Ҳажвия



Бошлиқ тушлиқдан ширин кекириб қайтаётганда, ходимлар ўрнатаётган ёзувли тахтага кўзи тушди. «Давлат тили» қонуни чиққанига анча вақт бўлди. Мана, биз ҳам ишни бошлаб юбордик, — деб ўйлади ичида гурур билан. — Юрган эканмиз-да, «Доска почёта», деб. Ўзбекчасиям бор экан-у».

У ўтиб кета туриб, тахтадаги ёзувга яна бир қараб қўйди: «Хурмат тахтаси». «Хўш, «Х»ларнинг думи бўлмасмикан?» — деб хаёлидан ўтказди у тўхтаб. Яқинда телевизорда бир атамашуноснинг «Ёзувларни ўзбекчалаштираётганлар имло хатоларига йўл қўймоқдалар», деган ўғитини эслади. Эслади-ю, ходимларига ўшқирди.

— Қани, туширинглар.

Ходимлар ўрнатиб бўлинган тахтани паства туширишди ва бошлиқдан навбатдаги буйруқни кутишди.

— Яхши ёзилган, лекин «Х»ларнинг думи қўйилмабди-ку.

Ходимлардан бири дархол мўйқаламни бўёққа ботирди-да «Х»га дум қўймоқчи бўлди.

— Тўхтанг, аслида «хурмат» билан «тахта»да «Х» думли бўладими?

Ходим елкасини қисиб шеригига қаради, шериги елка қисди.

— Ҳа, билиб осийш керак, — деди бошлиқ. Лекин ўзи ҳам буни билмаслигидан пушаймон қилди. У ўзича анча гурурли одам эди. Шунинг учун ҳам ҳеч нарса демай хонасига шошилди.

Ярим соатлардан сўнг ходимлардан бири кимтинибгина хонага кирди.

— Ҳеч ким билмас экан, — деди у.

— Шунақами? Унда ҳаммани тўпланг.

Ташкилотнинг кичкинагина жамоаси хонага йиғилди. Бошлиқ гап бошлади.

— Уртоқлар, секин-аста давлат тилини қарор топтираймиз. Буни «Доска почёта» тахтасини ўзбекчага ағдариш билан бошладик. Лекин бундай эзгу ишлар тўлақонли бўлиши керак. Биласизлар, халқимизда, маслахатли тўй тарқамас, деган ажойиб мақол бор. Хуллас, ўзбекча ёзувларни тўғри ёзишга ўрганайлик. Хўш, Қаландаров, билишимизча сиз кўп китоб ўқийсиз. Уша тахтадаги «Х»ларнинг думлари бор-йўқлиги ҳақида фикрингиз қандай?

— Билмадим. Мен фақат детектив ўқийман...

— Яхшимас, — деди бошлиқ астойдил хафа бўлиб.

— Ҳисобчимиз Жамғаров нима дер экан?

— Дум қўйсаям бўлади, қўймасаям. Бу менинг шахсий фикрим!

— Фикрингиз яхши, лекин аниқ биласизми?

— Йўқ, — деди Жамғаров.

— Менда бир таклиф бор, — деди Сафаров, — мана бу рўзномаларни бир титиб чиқсак-чи.

— Ҳе, бормисиз, — деб юборишди ходимлар бараварига катта ташвишдан ҳоли бўлгандай.

— Ҳа, яхши. Ўзингиз бир қараб чиқинг, — деди бошлиқ ва ичида «нодон, мен аллақачон қараб бўлганман» деб қўйди. Сафаров рўзномаларни бирма-бир варақлаб, ҳижжалаб ўқишга тушди. Ходимларнинг нигоҳи ҳозир бир мўъжиза рўй берадигандай унга қадалганди. Рўзномаларни кўриб бўлган Сафаровнинг тиришган пешонаси бошқа ходимларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилди.

— Ҳе, журналистларга ҳам тан бермадим. Шунча газетда шу икки сўз бир марта ҳам ишлатилмапти-я.

— Редакцияга кўнғироқ қилсак-чи, — деди ходимлардан бири.

— Ақлингиз борми, ташкилотимизнинг шаъни нима бўлади?

— Бирорта адабиёт ўқитувчисидан сўраб кўрсак-чи?

— Ҳа, ўқитувчидан сўранг. Кейин у оламга ногора қилсин.

... Уч соатча чўзилган «қисқагина» йиғилиш тугаб, ходимлар шалвираб тарқалишди. Улар ташқарига чиқишганда «хурмат тахтаси» ёнида икки қизча ерга расм чизиб, ўйнашарди. Бошлиқ тахтага қаради. «Хурмат» сўзидаги «Х»га кимдир дум чизиб қўйибди.

— Буни ким қилди?

Ходимлар ҳам ҳайрон бўлиб ёзувга қарашди.

— Билмадик. Ҳей, қизлар, буни ким чизди?

— Биз, — деди бир қизча кўрқа-писа.

— Сен буни қаердан биласан? — сўради бошлиқ.

— Мактабда ўрганганмиз.

— «Тахта»га қўймабсан-ку.

— Унда бўлмайти-да.

Бошлиқ ходимларга, ходимлар бир-бирига истехзоли қарашди...

Восит АҲМАД

Ирода ИСКАНДАРОВА

Бу ном бугунги кунда қўшиқсевар мухлисларга яхши таниш. Кўплаб ёш хонандалар орасида у ўзининг Хоразм халфачилик йўлида айтилувчи навлари ҳамда замонавий қўшиқлари билан ажралиб туради.

Иродахон қадимий Хоразм халқ қўшиқлари, лапар ва достонлари таъсирида ўсиб, унинг кўҳна ва ҳаётбахш оҳанглари оғушида ўз йўлини топмоқда. Унинг қўшиқларида ушбу замин аҳли орзу-армонлари ифодаланади. Хонанда ўз қўшиқларини бугунги кун миллий эстрадаси, лирикасининг энг яхши анъаналарини қадим заминнинг ҳаётбахш оҳанглари билан уйғунликда куйламоқда.

— Менга онам, биринчи устозим

— Хоразм халфачилигининг етук билимдонларидан бири Сафаргул Рўзметова катта ёрдам берадилар, — дейди хонанда. — Ёшгина қизалоқ пайтимда онам билан илк бор сахнага чиққанман. Ҳозир ҳам ўша дамларни мароқ билан эслайман.

Ироданинг биринчи альбомидеги барча қўшиқлар халфачилик йўлида айтилган. 1993 йили «Анор» танловида Хоразмда «Эрка қиз» лапарини ижро этиб совриндор бўлди. 1994 йили эса Ботир Зокиров номли танловда биринчи ўрин насиб этди.

Халфачилик йўлида гармон ва доира жўрлигида куйланган ҳар бир қўшиқ сизга мозийдан ҳикоя қилади. Халқ оғзаки ижодига кўпроқ мурожаат қилиш, фольклордан унумли фойдаланиш халфачиликнинг миллий руҳини белгилайди.

Хоразм заминининг асл фарзанди Комилжон Отаниёзов мусиқа бўстонида бир бог яратиб кетди. Бугун бу богда турфа овозлар хониш қилмоқда. Улар орасида «Баҳор нафаси», «Ишонмайман» каби кўплаб дилтортар қўшиқлар ижрочиси Иродахон Искандарова ҳам борки, у халқ учун, юрт учун, шу заминнинг фидойи инсонлари учун баралла куйламоқда.



Шошнда ҳам мул

биплади бу кортанини



ГУЛИСТОН

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806
Баҳоси: чакана савдода келишилган нарҳда.



Books